По лексическим и грамматическим компетенциям по английскому языку относительно высокие баллы (15,4;15,2) продемонстрировали соответственно абитуриенты из Республики Каракалпакстан и Сырдарьинской области; **по немецкому языку** претенденты из Кашкадарьинской (19,0) и Хорезмской (17,0) областей; **по французскому языку** относительно высокие баллы у тестируемых из г.Ташкента (12,0) Бухарской области (17,0).

По письму по английскому языку наивысшие баллы (20,0;19,8 и 19,7) продемонстрировали соответственно абитуриенты Сырдарьинской области, Республики Каракалпакстан и Хорезмской области; **по немецкому языку** претенденты из Сурхандарьинской (21,9), Кашкадарьинской (18,8) и Хорезмской (18,2) областей; **по французскому языку** – относительно высокие баллы у тестируемых из Республики Каракалпакстан (22,5) и Бухарской области (18,0).

По говорению по английскому языку наивысшие баллы (19,5;18,9,18,7) продемонстрировали соответственно абитуриенты из г.Ташкента, Ташкентской, Сурхандарьинской и Андижанской областей; **по немецкому языку** претенденты из Кашкадарьинской (25,0) области; **по французскому языку** относительно высокие баллы у тестируемых из Республики Каракалпакстан (24,0) и Бухарской области (23,5).

Что касается обобщенных результатов по всем предлагаемым в тестировании **на уровень В1 по английскому языку** компетенциям, наилучшие результаты продемонстрировали претенденты из Сырдарьинской, Наманганской, Хорезмской областей, г.Ташкента и Республики Каракалпакстан;

по немецкому языку – относительно высокие результаты у тестируемых из Кашкадарьинской, Хорезмской и Сурхандарьинской областей; **по французскому языку** у претендентов из Бухарской области, г.Ташкента, Республики Каракалпакстан.

На таблице 6 представлены средние баллы, полученные претендентами **по английскому, немецкому и французскому языкам на уровень В2** в разрезе разделов тестирования по регионам.

Таблица 6

№	Название региона	Аудирование			Чтение			Лексические и грамматические компетенции			Письмо			Говорение		
		Анг	Нем	Фрз	Анг	Нем	Фрз	Анг	Нем	Фрз	Анг	Нем	Фрз	Анг	Нем	Фрз
1	Республика Каракалпакстан	13,6	13,0	17,0	10,9	12,0	9,0	11,1	8,0	9,0	16,4	17,0	23,8	14,9	20,0	19,0
2	Андижанская область	13,6	10,0	-	10,9	6,5	-	11,0	7,5	-	16,4	2,4	-	19,4	4,0	-
3	Наманганская область	13,6	-	16,0	11,7	-	16,0	12,0	-	15,0	16,8	-	23,1	16,5	-	21,0
4	Ферганская область	12,7	11,8	13,7	10,6	9,7	9,0	10,4	10,7	10,3	15,6	13,6	5,5	13,5	14,6	10,0

5	Бухарская область	13,6	9,2	15,7	11,7	9,0	8,3	12,1	8,0	9,3	16,4	9,2	11,1	15,8	11,1	24,0
6	Хорезмская область	12,9	11,3	16,4	10,2	10,4	10,9	10,8	14,3	11,8	16,8	18,9	15,4	14,1	18,9	14,9
7	Сурхандарьинская область	12,9	21,0	-	10,3	15,0	-	10,8	16,0	-	16,4	20,7	-	17,6	29	-
8	Кашкадарьинская область	12,7	10,6	14,0	10,2	7,6	11,0	10,4	7,8	10,0	14,5	8,3	8,8	15,6	20,2	15,3
9	Джизакская область	13,1	-	-	10,2	-	-	10,5	-	-	15,7	-	-	14,9	-	-
10	Навоийская область	13,2	7,0	-	10,5	13,0	-	10,4	12,0	-	16,9	8,8	-	15,4	27,0	-
11	Самаркандская область	12,6	14,0	14,6	10,4	12,8	9,6	10,0	16,0	13,6	14,5	18,1	15,0	14,3	21,8	11,0
12	Сырдарьинская область	13,6	-	19,5	11,3	-	15,0	11,3	-	19,5	16,5	-	26,8	13,6	-	21,0
13	Ташкентская область	13,9	-	12,0	12,3	-	9,0	12,0	-	14,0	17,6	-	6,9	18,9	-	24,0
14	г.Ташкент	14,4	14,7	15,4	11,7	12,0	11,4	11,4	12,3	13,7	17,0	14,5	12,1	19,1	24,8	16,6

Как показывают результаты тестовых испытаний **на уровень B2, по аудированию по английскому языку** наивысший балл продемонстрировали абитуриенты г.Ташкента (14,4) и Ташкентской области (13,9); **по немецкому языку** претенденты из Сурхандарьинской (21,0) области; **по французскому языку** относительно высокие баллы у тестируемых из Сырдарьинской области (19,5) и Республики Каракалпакстан (17,0)

По чтению по английскому языку наивысшие баллы (12,3; 11,7, 11,7) продемонстрировали соответственно абитуриенты Ташкентской области, г.Ташкента Наманганской и Бухарской областей; **по немецкому языку** претенденты из Сурхандарьинской (15,0) и Навоийской областей (13,0); **по французскому языку** относительно высокие баллы у тестируемых из Наманганской (16,0) и Сырдарьинской областей (15,0).

По лексическим и грамматическим компетенциям по английскому языку относительно высокие баллы (12,1; 12,0) выявлены у абитуриентов Бухарской, Наманганской и Ташкентской областей; **по немецкому языку** у претендентов из Сурхандарьинской (16,0) и Самаркандской (16,0) областей; **по французскому языку** относительно высокие баллы у тестируемых из Наманганской (15,0), Ташкентской (14,0) областей, г.Ташкента (13,7) и Самаркандской (13,6) области.

По письму по английскому языку наивысшие баллы (17,6; 17,0 и 16,9) продемонстрировали соответственно абитуриенты Ташкентской области, г.Ташкента и Навоийской области; **по немецкому языку** претенденты из Сурхандарьинской (20,7),

Хорезмской (18,9) и Самаркандской (18,1) областей; **по французскому языку** относительно высокие баллы у тестируемых из Сырдарьинской (26,8) области Республики Каракалпакстан (23,8), Наманганской (23,1) области.

По говорению по английскому языку наивысшие баллы (19,4; 19,1, 18,9) продемонстрировали соответственно претенденты Андижанской области, г.Ташкента и Ташкентской области; **по немецкому языку** претенденты из Навоийской (27,0) области, г.Ташкента (24,8) и Республики Каракалпакстан (20,0); **по французскому языку** относительно высокие баллы у тестируемых Бухарской (24,0), Ташкентской (24,0) и Наманганской областей (21,0).

Что касается обобщенных результатов по всем предлагаемым в тестировании **на уровень В2 по английскому языку** компетенциям, то наилучшие результаты продемонстрировали представители г.Ташкента, Ташкентской, Наманганской, областей; **по немецкому языку** относительно высокие результаты у претендентов, Бухарской, Андижанской, Сурхандарьинской, Навоийской, Хорезмской областей и г.Ташкента; **по французскому языку** у претендентов из Наманганской, Сырдарьинской, Бухарской областей, г.Ташкента и Республики Каракалпакстан.

Необходимо отметить, что по обоим уровням В1 и В2 в числе лидеров по эффективности ответов в разрезе тестируемых компетенций **по английскому языку** г.Ташкент, Ташкентская, Наманганская, Хорезмская области; **по немецкому языку** соответственно Хорезмская, Навоийская и Сурхандарьинская области; **по французскому языку** Наманганская, Сырдарьинская, Бухарская области, Республика Каракалпакстан, Ташкент и Ташкентская область.

В таблице 7 и на графике (рис.9) представлена информация о претендентах, которые набрали 60% от максимального (проходной балл для получения квалификационного сертификата на уровень владения иностранным языком) **по английскому языку на уровень В2**.

Таблица 7

№	Название региона	Общее кол-во претендентов	Аудирование		Чтение		Лексические и грамматические компетенции		Письмо		Говорение	
			Кол-во	%	Кол-во	%	Кол-во	%	Кол-во	%	Кол-во	%
1	Республика Каракалпакстан	217	31	14,3	17	7,8	27	12,4	106	48,8	66	30,4
2	Андижанская область	656	102	15,5	50	7,6	75	11,4	316	48,2	421	64,2
3	Наманганская область	762	112	14,7	99	13,0	149	19,6	389	51,0	355	46,6
4	Ферганская область	1402	151	10,8	94	6,7	129	9,2	626	44,7	424	30,2
5	Бухарская область	629	110	17,5	67	10,7	109	17,3	306	48,6	252	40,1
6	Хорезмская область	596	78	13,1	31	5,2	67	11,2	307	51,5	181	30,4
7	Сурхандарьинская область	346	35	10,1	24	6,9	37	10,7	159	46,0	213	61,6
8	Кашкадарьинская область	403	44	10,9	24	6,0	40	9,9	164	40,7	171	42,4
9	Джизакская область	131	17	13,0	6	4,6	14	10,7	57	43,5	44	33,6

10	Навоийская область	253	30	11,9	11	4,3	19	7,5	140	55,3	89	35,2
11	Самаркандская область	533	63	11,8	35	6,6	56	10,5	214	40,2	188	35,3
12	Сырдарьинская область	184	32	17,4	19	10,3	23	12,5	91	49,5	51	27,7
13	Ташкентская область	220	37	16,8	33	15,0	39	17,7	130	59,1	149	67,7
14	г. Ташкент	1468	345	23,5	187	12,7	241	16,4	836	56,9	983	67,0




Рис. 9

Анализ полученных данных показывает, что наибольший процент претендентов, выполнивших требования сертификата на наиболее востребованный в плане получения привилегий при поступлении в высшие образовательные учреждения республики уровень **B2, по английскому языку по аудированию** отмечен в г.Ташкенте (23,5), Бухарской (17,5) и Сырдарьинской (17,4) областях; **по чтению** в числе лидирующих регионов оказались Ташкентская (15,0), Наманганская (13,0) области; относительно высокие показатели по данному критерию **по лексическим и грамматическим компетенциям** у представителей Наманганской (19,6) и Ташкентской (17,7) областей; **по письму** – Ташкентской (59,1) области, г.Ташкента (56,9), Хорезмской (51,5) и Наманганской (51,0) областей; **по говорению** – Ташкентской (67,7) области, г.Ташкента (67,0) и Андижанской (64,2) области.

Таблица 8

№	Название региона	Общее кол-во претендентов	Аудирование		Чтение		Лексические и грамматические компетенции		Письмо		Говорение	
			Кол-во	%	Кол-во	%	Кол-во	%	Кол-во	%	Кол-во	%
1	Республика Каракалпакстан	121	49	40,5	48	39,7	44	36,4	83	68,6	66	54,5
2	Андижанская область	278	66	23,7	50	18,0	57	20,5	170	61,2	162	58,3
3	Наманганская область	346	109	31,5	86	24,9	101	29,2	240	69,4	190	54,9
4	Ферганская область	570	159	27,9	133	23,3	105	18,4	381	66,8	254	44,6
5	Бухарская область	488	146	29,9	109	22,3	143	29,3	306	62,7	227	46,5
6	Хорезмская область	560	138	24,6	125	22,3	126	22,5	405	72,3	276	49,3
7	Сурахандарьинская область	183	43	23,5	47	25,7	48	26,2	130	71,0	126	68,9
8	Кашкадарьинская область	275	67	24,4	61	22,2	51	18,5	172	62,5	147	53,5
9	Джизакская область	171	54	31,6	46	26,9	31	18,1	131	76,6	111	64,9
10	Навоийская область	281	94	33,5	67	23,8	71	25,3	190	67,6	137	48,8
11	Самарқандская область	316	78	24,7	63	19,9	56	17,7	189	59,8	186	58,9
12	Сырдарьинская область	72	26	36,1	24	33,3	22	30,6	52	72,2	36	50,0
13	Ташкентская область	235	75	31,9	62	26,4	40	17,0	169	71,9	166	70,6
14	г.Ташкент	2029	636	31,3	465	22,9	430	21,2	1387	68,4	1426	70,3

Анализ результатов тестовых испытаний на уровень **В1 по английскому языку по аудированию** в разрезе регионов республики по выполнению требований сертификата показывает (табл.8, график рис.10), что относительно высокие баллы получены у претендентов Сырдарьинской (36,1), Навоийской (33,5), Наманганской (31,5) областей и г. Ташкента (31,3); **по чтению** в числе лидирующих регионов оказались Республика Каракалпакстан (39,7) и Сырдарьинская область (33,3); относительно высокие показатели **по лексическим и грамматическим компетенциям** у представителей Республики Каракалпакстан (36,4), Сырдарьинской (30,6), Бухарской (29,3) и Наманганской (29,2) областей; **по письму** – Джизакской (76,6), Хорезмской (72,3), Сырдарьинской (72,2) и Ташкентской (71,9) областей, **по говорению** – Ташкентской области (70,6), г. Ташкента (70,3) и Сурхандарьинской (68,9) области.




Рис.10

В таблице 9 приведены данные об общем количестве выполнивших требования сертификата (60% от максимального балла) по английскому языку *по аудированию, чтению, лексическим и грамматическим компетенциям на уровень B1 и B2.*

Исходя из процентного соотношения получивших сертификаты и общего количества подавших заявления, видно, что наибольшей эффективностью ответов *по уровню B1* отличаются Республика Каракалпакстан (14%), Сырдарьинская и Джизакская области. При этом необходимо отметить, что наибольшее число заявлений было подано из г.Ташкента (2029), однако количество выполнивших требования сертификата составляет всего 136 (6,7%); *по разделу B2* – наибольшая эффективность отмечена в Ташкентской (4,4%) и Бухарской (3,7%) областях. Здесь мы видим ту же тенденцию: Ташкент лидирует по количеству заявлений претендентов (1468).

Таблица 9

№	Название региона	Английский язык B1			Английский язык B2		
		Всего	Кол-во	%	Всего	Кол-во	%
1	Республика Каракалпакстан	121	17	14,0	217	4	1,8
2	Андижанская область	278	12	4,3	656	11	1,7
3	Наманганская область	346	20	5,8	762	32	4,2
4	Ферганская область	570	33	5,8	1402	22	1,6
5	Бухарская область	488	36	7,4	629	23	3,7
6	Хорезмская область	560	30	5,4	596	9	1,5

7	Сурхандарьинская область	183	10	5,5	346	5	1,4
8	Кашкадарьинская область	275	7	2,5	403	8	2,0
9	Джизакская область	171	15	8,8	131	2	1,5
10	Навоийская область	281	14	5,0	253	3	1,2
11	Самаркандская область	316	10	3,2	533	8	1,5
12	Сырдарьинская область	72	8	11,1	184	3	1,6
13	Ташкентская область	235	13	5,5	220	6	2,7
14	г.Ташкент	2029	136	6,7	1468	64	4,4
	ИТОГО:	5925	361	6,1	7800	200	2,6

В таблице 10 приведены *обобщенные данные* о претендентах, *выполнивших требования сертификата по английскому языку по обоим уровням в разрезе областей и уровней*. Наибольшее число претендентов на уровень В1 отмечено из Республики Каракалпакстан (14,0), Сырдарьинской области (11,1); на уровень В2 – из г. Ташкента (4,4), Бухарской области (3,7).

Определенный интерес также представляют данные о претендентах, набравших *наиболее высокие баллы* по английскому, немецкому и французскому языкам по уровням В1 и В2 в разрезе регионов республики (табл.10).

Таким образом, наиболее *высокие баллы по английскому языку на уровень В1* отмечены у претендентов из г. Ташкента (137,55), Сурхандарьинской (136,15), Наманганской областей (136,0), *на уровень В2* – из Хорезмской области (134,45), г. Ташкента (134,2); *по немецкому языку на уровень В1* – из Хорезмской (112,85), Кашкадарьинской (108,75) областей и г. Ташкента (106,5), *на уровень В2* – из г. Ташкента (129,0), Самаркандской (114,0), Хорезмской (110,4) и Ферганской (107,5) областей; *по французскому языку на уровень В1* – из Бухарской области (109,25), *на уровень В2* – из Ташкента (116,1), Сырдарьинской (107,25), Хорезмской областей (106,9).

Таблица 10

№	Название региона	Английский язык		Немецкий язык		Французский язык	
		В1	В2	В1	В2	В1	В2
1	Республика Каракалпакстан	126,15	120,6	-	69,95	82,55	77,75
2	Андижанская область	123,6	123,5	-	35,85	-	-
3	Наманганская область	136	130	-	-	-	91,15
4	Ферганская область	127,2	124	90,55	107,05	47,3	69,8
5	Бухарская область	124,6	128,1	-	52,8	109,25	83,5
6	Хорезмская область	125,5	134,45	112,85	110,4	96,75	106,9
7	Сурхандарьинская область	136,15	117	95,9	101,7	-	-
8	Кашкадарьинская область	124,9	121,9	108,75	71,7	-	84,15
9	Джизакская область	124,4	115,45	-	-	-	-
10	Навоийская область	120,4	116,5	-	67,8	-	-
11	Самаркандская область	121,7	126,45	85,35	114	44,5	99,5

12	Сырдарьинская область	126,4	116,95	-	-	-	107,25
13	Ташкентская область	121,95	118,4	-	-	-	65,9
14	г.Ташкент	137,55	134,2	106,5	129	52,6	116,1

Данный показатель на уровень **B2** составляет *по испанскому языку* – 84,9, **форси** – 98,5, **турецкому языку** – 114,6, **японскому языку** – 131,6, **пушту** – 131,7, **арабскому языку** – 136,3, **корейскому и китайскому языку** соответственно 144.

Итак, проведенный нами статистический анализ итогов тестовых испытаний для определения уровня владения иностранным языком и получения квалификационного сертификата на уровни A2, B1, B2 и C1 позволяет проанализировать языковые компетенции претендентов в разрезе языков и регионов, сравнить их, выявить, определенные тенденции в уровне подготовке контингента по иностранным языкам.

В тоже время проведение подобного статистического анализа результатов тестовых испытаний рассматривается нами как основа совершенствования непосредственно самого инструмента педагогических измерений – тестовых заданий и их ответов по разделам «Аудирование», «Чтение», «Лексические и грамматические компетенции» и заданий по разделам «Письмо» и «Говорение».

Таким образом, тестирование, в том числе и коммуникативных компетенций, обучаемых средствами иностранного языка, является одной из наиболее технологических и объективных форм проведения контроля качества образования. Мы надеемся, что технология использования тестовых форм, основанная на учете данных статистического анализа, станет самой эффективной и надежной в улучшении качества знания и владения иностранными языками в Республике Узбекистан, а также дальнейшего внедрения в соответствии с требованиями международно-признанных стандартов Национальной тестовой системы оценки уровня знания иностранных языков.

Список использованной литературы

1. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №352 от 31 декабря 2013 года «Об утверждении Положения о порядке определения степени владения иностранным языком и выдачи квалификационного сертификата» - <https://lex.uz/ru/docs/2314785>

2. Государственный образовательный стандарт системы непрерывного образования Республики Узбекистан. Требования к уровню подготовленности выпускников всех ступеней образования по иностранным языкам. Т.,2013.

3. Джоанна Крайтон. оценивание: общий обзор международной практики / Доклад по Программе поддержки образования Института Открытое Общество. - OSI Budapest: Education Support Program, 2003.

4. Джордж Бетелл. Реформа системы экзаменов и оценивания: обзор опыта стран центральной и восточной Европы / Доклад по Программе

поддержки образования Института Открытое Общество. - OSI Budapest: Education Support Program, 2003.

5. Alderson, Charles, Clapham, Caroline, Wall, Diane. Language Test Construction and Evaluation. Cambridge University Press, 2003

6. Carr, Nathan. Designing and Analyzing Language Tests. Oxford University Press, 2009.

7. Douglas, Dan. Understanding Language Testing. London – New York, 2010.

8. ETS Standards For Quality And Fairness. Educational Testing Service, Princeton, 1987.

9. Fulcher, Glenn, Davidson, Fred (eds). The Routledge Handbook of Language Testing. New York, 2012.

10. Fulcher, Glenn. Practical Language Testing. London, 2010.

Lambert, David, Lines, David. Understanding Assessment. Purposes, Perceptions, Practice. London – New York, 2000.

Analytical information about the tests conducted in 2019 in order to determine the level of proficiency in a foreign language and issue a qualification certificate

Radjabov S., Uraeva E. Azizov X.

State Test Center under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan

Abstract. The article focuses on the main aspects of work conducted by the Department of the assessment of foreign language proficiency, developed in conformity with the requirements of internationally recognized standards of the National system of the assessment of foreign language proficiency.

It is presented the analysis of the results of tests to determine the level of proficiency in a foreign language and the issuance of a state-standard qualification certificate in the context of regions, languages and skills for 2019.

FRANSUZ TILI FANIDAN SHAKLLANTIRILGAN AYRIM YOPIQ TEST TOPSHIRIQLARINING TAHLILI

L.N. Tangriyeva

*O‘zR VM huzuridagi Davlat test markazi, 100214,
Toshkent sh., Bog‘ishamol k., 12.*

Qisqacha mazmuni: Ushbu maqolada test topshiriqlarining turlari, yopiq test topshiriqlariga qo‘yiladigan talablar va fransuz tili fanidan yaratilgan ayrim yopiq test topshiriqlarining tahlili haqida so‘z yuritiladi.

Kalit so‘zlar: davlat ta‘lim standarti, yopiq turdagi test topshiriqlari, pedagogik o‘lchovlar, testologiya, validlik, ishonchlilik

So‘nggi yillarda respublikamiz ta‘lim tizimining barcha bosqichlarida chet tillarini o‘rgatishga alohida e‘tibor qaratilmoqda. Uzluksiz ta‘lim tizimining chet tillar bo‘yicha davlat ta‘lim standartiga asosan O‘zbekiston Respublikasida ta‘limning barcha bosqichlarida chet tilini o‘qitishning asosiy maqsadi o‘rganuvchilarning ko‘p madaniyatli dunyoda kundalik, ilmiy va kasbga oid sohalarda faoliyat olib borishi uchun chet tilida kommunikativ kompetensiyasini shakllantirishdan iborat. Bu maqsad

o'rganuvchining gapirish, og'zaki nutqni tinglab tushunish, o'qish va yozma nutq bo'yicha ko'nikmalarini shakllantirish va rivojlantirishni nazarda tutadi.

Boshqa chet tillari singari fransuz tilini o'qitish jarayonida ham o'quvchilar bilimni baholashda yopiq test topshiriqlaridan foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi. Har bir pedagog o'z mahoratidan kelib chiqqan holda yopiq test topshiriqlarini shakllantirishi mumkin, ammo ularning ilmiy asoslarini bilish uchun testologiya sohasida bilimlarga ega bo'lish talab etiladi.

Testologiya sohasi M.B.Chelishkova, V.S.Avanesov, S.A.Semenovskaya kabi rossiyalik, N.E.Gronlund, G.H.Roid, T.V.Haladyna kabi amerikalik olimlar tomonidan o'rganilgan bo'lib, ushbu maqolada mazkur olimlarning tadqiqotlariga tayangan holda fransuz tili fanidan shakllantirilgan ayrim yopiq test topshiriqlarining tahlili haqida so'z yuritiladi.

Testologiyaga bag'ishlangan ilmiy adabiyotlarda test topshiriqlari quyidagicha guruhlanadi [1]:

1. Yopiq turdagi test topshiriqlari (ikkitadan o'ntagacha javob variantlari bilan) da o'quvchi berilgan javob variantlari orasidan to'g'ri javobni tanlaydi.
2. Ochiq turdagi test topshiriqlari (to'ldirish kerak bo'lgan topshiriq) o'quvchidan to'g'ri javobni o'zi topishni talab qiladi.
3. Muvofiqlikni topish bo'yicha test topshiriqlari (ko'plab javob variantlari bilan) ni bajarish ikki ustunda berilgan ma'lumotlarning bir-biriga mosligini topishga qaratilgan.
4. To'g'ri ketma-ketlikni aniqlash bo'yicha test topshiriqlarida o'quvchi pedagog tomonidan sanalgan harakat yoki jarayonning ketma-ketligini to'g'ri topishi kerak bo'ladi.

Yopiq test topshiriqlari asosan savol qismi va bitta (ikki yoki uchta) to'g'ri javobga ega bo'lgan javob variantlaridan tashkil topadi. To'g'ri javobga o'xshash, lekin aslida noto'g'ri bo'lgan javob variantlari distraktorlar deb nomlanadi. Distraktorlar soni muammoning xususiyatidan kelib chiqib, ikki-uchtadan oltiyettitagacha ham bo'lishi mumkin [1].

Bitta to'g'ri javobga ega bo'lgan yopiq test topshirig'iga misol:

1. Choisissez l'article qui convient.

... rose est une fleur ornementale.

- A) Le
- B) La ✓
- C) Une
- D) Un

Ikkita to'g'ri javobga ega bo'lgan yopiq test topshirig'iga misol:

2. Choisissez la variante correcte.

... animal préféré est le cheval.

- A) Son ✓
- B) Leurs
- C) Mon ✓
- D) Nos

Barcha turdagi test topshiriqlarida bo‘lgani singari yopiq test topshiriqlarini shakllantirishda ham o‘ziga xos talablar mavjud [1]:

1. Test topshirig‘ini shakllantirishda ikki ma’noilik va noaniqlikdan qochish kerak.
2. Savol bitta to‘liq tugallangan fikrdan iborat bo‘lishi kerak.
3. Test topshirig‘ini shakllantirishda “ba’zan”, “ko‘pincha”, “har doim”, “hamma”, “hech qachon” so‘zlarini ehtiyotkorlik bilan ishlatish zarur.
4. Test topshirig‘ida javob variantlari mazmunan, tuzilishiga ko‘ra va so‘zlarning soniga ko‘ra bir xil bo‘lishi kerak.
5. Test topshirig‘ida to‘g‘ri javobni taxmin qilib topishga yordam beruvchi jumladan voz kechish kerak.
6. Asosiy fikr bilan aloqasi bo‘lmagan iboralar va jumladan saqlanish kerak.
7. Javob variantlarida “Barcha javoblar to‘g‘ri” yoki “To‘g‘ri javob yo‘q” singari jummalarni ishlatmaslik lozim: ular to‘g‘ri javobni taxmin qilib topishga yordam berishi mumkin.
8. Test topshirig‘ining barcha distraktorlari to‘g‘ri javobni bilmaydigan o‘quvchini o‘ziga bir xilda jalb qilishi kerak.
9. Distraktorlarning hech biri qandaydir vaziyatlarda to‘g‘ri javobga aylanib qolishi mumkin bo‘lgan qisman to‘g‘ri javobni ifodalashi kerak emas.

Testologiya va pedagogik o‘lchovlarning nazariy asoslariga ko‘ra, har bir o‘quv fani bo‘yicha tuzilgan test topshiriqlari mazmuni ekspert tekshiruvidan o‘tkazilgandan keyingi bosqichda aprotatsiyadan o‘tkazilishi va uning natijalari asosida test topshiriqlarining sifati aniqlanishi kerak. Test topshiriqlarining sifatini belgilovchi muhim mezonlar esa testologiyada validlik va ishonchlilik deb yuritiladi.

Test topshirig‘ining ishonchliligi – tashxislovchi o‘lchovlarning aniqligini, shuningdek, test natijalarining begona tasodifiy omillar ta’siriga nisbatan barqarorligini aks ettiruvchi mezon. Testning ishonchliligi uni tayyorgarlik darajasi yaqin bo‘lgan talabgorlarning turli guruhlarida qo‘llashda taxminan bir xil natijalar olishga imkon beradi.

Test topshirig‘ining validligi – test topshirig‘i nimani baholashi va qay darajada baholashini belgilovchi mezon. "Validlik" tushunchasi pedagogik testning maqsadga muvofiqligi g‘oyasini aks ettiradi. Test topshiriqlarida validlikning eng muhim turi – mazmun bo‘yicha validlik.

Testning validligini ta’minlash uchun test topshiriqlari o‘quv dasturining barcha jihatlarini qay darajada va to‘g‘ri mutanosiblikda qamrab olishini muntazam tekshirib borish talab etiladi. To‘g‘ri tuzilgan test topshiriqlari nafaqat o‘qitiladigan fanga, balki uning vazifalariga ham mos kelishi lozim [4].

Yuqorida sanab o‘tilgan talablarga amal qilish fransuz tili fanidan yopiq test topshiriqlarini shakllantirishda ham muhim ahamiyat kasb etadi. Agar pedagog ularga to‘liq amal qilsagina, test topshiriqlari asosiy sifat mezonlariga javob beradi.

Yopiq testlar fransuz tili fanidan o‘quvchilar bilimiga baho berishning samarali usuli hisoblanadi. Uning afzalliklari quyidagilardan iborat [1]:

1. Yopiq testlar o‘quv fanining asosiy mazmunini butunligicha qamrab oladi;

2. Barcha o'quvchilar bir xil savollarga javob beradilar, bu ularning bilimni taqqoslashga imkon beradi;
3. O'qituvchilar o'quvchilar bilimni nazorat qilishga kam vaqt sarflaydilar.

Quyida fransuz tili fanidan tuzilgan ayrim yopiq test topshiriqlari va ularning tahliliga to'xtalamiz.

1. Choisissez la variante correcte.

... meuble doit rester à sa place.

- A) Ce ✓
- B) Cette
- C) Ma
- D) Tes

Keltirilgan ushbu test topshirig'ini shakllantirishda yuqorida sanab o'tilgan "test topshirig'ini shakllantirishda ikki ma'nolilik va noaniqlikdan qochish kerak" degan talabga amal qilinmagan. O'tkazilgan aprotatsiya natijalariga ko'ra, mazkur test topshirig'i ishonchliligi past ekanligi aniqlandi. E'tibor beradigan bo'lsak, test topshirig'ining shartida "To'g'ri variantni tanlang" (**Choisissez la variante correcte**) deyilgan bo'lib, javob variantlarida egalik va ko'rsatish sifatlari aralash holda berilgan. Bu esa o'z navbatida noaniqlikka sabab bo'lgan va ushbu test topshirig'ining ishonchlilik koeffitsientining pasayishiga olib kelgan. Ekspertlar guruhining umumiy xulosasi bilan "To'g'ri variantni tanlang" (**Choisissez la variante correcte**) sharti birmuncha aniqroq bo'lgan "Mos keluvchi ko'rsatishni tanlang" (**Choisissez le démonstratif qui convient**) tarzida o'zgartirildi va bu o'zgartirish mazkur test topshirig'ining ishonchlilik koeffitsienti oshishiga yordam berdi.

2. Choisissez la variante correcte.

Mon frère travaille dans cet atelier ... 2009.

- A) Sur
- B) Sous
- C) Depuis ✓
- D) Dans

Mazkur test topshirig'i bir qaraganda barcha qoidalar asosida tuzilgandek tasavvur uyg'otishi mumkin. Lekin fransuz tili grammatikasini yaxshi biladigan pedagog bu yerda qanday talab buzilganini darrov anglaydi. Berilgan javob variantlari orasida to'g'ri javob yaqqol namoyon bo'lib turibdi. Chunki predloglarning ishlatilishi bilan bog'liq ushbu test topshirig'ida distraktorlarni qo'llash bilan bog'liq xatolikka yo'l qo'yilgan: "sur, sous, dans" o'rin-joy predloglari bo'lsa, to'g'ri javob sifatida berilgan "depuis" vaqt bilan bog'liq vaziyatlarda qo'llanadigan predlog hisoblanadi. Agar biz distraktorlarni quyidagi ko'rinishda o'zgartirsak, mazkur topshiriq belgilangan talablarga javob beradigan test topshirig'iga aylanadi:

3. Choisissez la variante correcte.

Mon frère travaille dans cet atelier ... 2009.

- A) Pendant
- B) Pour
- C) Depuis ✓

D) En

4. Tournez le discours direct en discours indirect.

Elle m'a raconté : « J'ai eu un accident de vélo. »

Elle m'a raconté qu'elle ... un accident de vélo.

A) avait eu ✓

B) a eu

C) aura

D) aurait

Keltirilgan 4-test topshirig'i o'quvchilarning ko'chirma gapni o'zlashtirma gapga aylantirish bilan bog'liq bilimlarini baholash imkonini beradi. To'rttadan javob variantiga ega bo'lgan mazkur test topshirig'i yetarli darajada qisqa bo'lib, to'g'ri javobni taxmin qilish darajasi yuqori emas. Test topshiriqlarini ishlab chiqishda ularning bir-biriga nisbatan mustaqilligini ta'minlash, ya'ni bir topshiriqdagi matn sharti boshqa topshiriq uchun javob bo'lishini istisno qilishi kerakligini ham inobatga olish zarur [2].

Fransuz tilining grammatikasi bo'yicha berilgan yuqoridagi test topshiriqlari uzluksiz ta'lim tizimining fransuz tili bo'yicha davlat ta'lim standartiga asosan tuzilgan o'quv dasturlarida berilgan barcha mavzular bo'yicha shakllantirilishi va ulardan o'quvchilarning grammatika oid bilimlarini baholashda foydalanish mumkin. Bunday test topshiriqlari barcha o'quvchilar uchun umumiy mezon bo'yicha bilim va ko'nikmalarni obyektiv baholash imkonini beradi. O'quvchilardan qay biri dasturdagi ma'lumotlarni o'zlashtirmagan, kam miqdorda o'zlashtirgan, ulardan qay birining bilim va ko'nikmasi dastur talablariga to'liq va o'ziga ishongan holda mos kelishi, qay bir o'quvchining nafaqat dasturda nazarda tutilgan to'liq bilimga, balki zarur bilimlarni yangi holatlarda yuqori darajada qo'llay olish ko'nikmasiga egaligini aniqlashga imkon beradi [3].

Maqolada keltirilgan test topshiriqlarining tahlili asosida quyidagi yakuniy xulosaga kelish mumkin:

1. Fransuz tili grammatikasining u yoki bu mavzusi bo'yicha yopiq test topshirig'i shakllantirishda o'sha mavzuning o'ziga xos jihatlarini inobatga olish zarur.
2. Agar topshiriqning shartida ko'plab test topshiriqlari uchun foydalanish mumkin bo'lgan umumiy ma'nodagi savol qo'llaniladigan bo'lsa, distraktorlarni qo'llashda ehtiyotkorlik bilan yondashish kerak.
3. Agar pedagog yopiq test topshirig'i biror bir mavzu bo'yicha o'quvchining bilimini to'g'ri baholashiga shubha qilsa, u o'sha mavzu bo'yicha boshqa turdagi nazorat turidan foydalanishi zarur.

Fransuz tili fanidan til materiallari bo'yicha barcha talablarga javob beruvchi yopiq test topshiriqlarini shakllantirishda testologiyaga oid bilimlarning ahamiyati juda katta. Eng muhimi, test topshiriqlarini shakllantirishdan oldin undan ko'zlangan maqsad va mazmunni aniqlab olish kerak. Chunki har bir topshiriq shakli qo'llanish doirasiga qarab o'ziga xos afzallik va kamchiliklarga ega [4].

Adabiyotlar

1. Zakirova M.Sh., Ermatova N.N. Test tuzish metodikasi va ekspertizasi. Uslubiy qo‘llanma. Toshkent, 2018 y., 41 b.
2. Baratov A.A., Pedagogik o‘lchovlar nazariyasi asoslari. Uslubiy qo‘llanma. Toshkent, 2018 y., 40 b.
3. Вербицкая М.В., Махмурян К.С., Трубанева Н.Н. Особенности перспективной модели контрольных измерительных материалов основного государственного экзамена по иностранным языкам. Федеральный институт педагогических измерений. Педагогические измерения. 2019, 2, 10. С 9-19.
4. Mirvaliyev Z.Z., Pedagogik o‘lchovlarda test topshiriq turlari. Uslubiy qo‘llanma. Toshkent, 2018 y., 39 b.

THE REQUIREMENTS FOR FORMING THE MULTIPLE-CHOICE QUESTIONS IN THE FRENCH LANGUAGE

© 2020 * Tangriyeva L.N.

The abstract: The types of test items, the requirements for multiple-choice questions and some analyses of multiple-choice questions are studied in this article.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА УНИНГ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

© 2020 йил *Эрмаматов М.Дж., Сулайманов А.А., Баратов А.А.

ЎзР ВМ ҳузуридаги Давлат тест маркази, 100214,

Тошкент ш., Боғишамол к., 12.

Қисқача мазмуни: Мақолада Америка Қўшма Штатларининг таълим тизими ва К-12 тизимли мактабларида баҳолаш тизими ҳақида, шунингдек, Ўзбекистонда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг билим сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: К-12 тизими, баҳолаш тизими, Америка Қўшма Штатлари таълим тизими, кредит соатлари.

Мамлакатимизда ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим мактабларида олган билимларини холис баҳолаш ва олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилишда шаффофлик ва холисликни таъминлаш борасида бир қатор ижобий қадамлар ташланди. Бунда таълим муассасаларида жорий билимларни баҳолашни такомиллаштириш, унинг холис, шаффоф ва ҳаққоний бўлишини таъминлаш, таълим сифатини оширишнинг муҳим омилларидан биридир. Мактабда олинган билимлар баҳоси олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонида олган балларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаши лозим.

Мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактаблари ва олий таълим тизимидаги таълим сифатини яхшилаш ва мавжуд муаммоларни ҳал қилиш борасида турли хил фикрлар билдириб келинмоқда. Шулардан бири ўқувчилар билимини холис ва ҳаққоний баҳолаш муаммосидир. Бу масаланинг мукамал ечимини топиш учун мактаб ва олий таълим муассасаларидаги ҳозирги камчиликларга эътибор қаратишдан олдин, дунё таълим тизимида мавжуд баҳолашни ҳар томонлама ўрганиш ва таълимдаги баҳолаш тизими билан таққослаш керак бўлади.

Ушбу мақолада Америка Қўшма Штатлари (АҚШ)даги мактаб ва олий таълим муассасалари баҳолаш тизими таҳлил қилинади. Аввало, АҚШнинг таълим тизимига тўхталиб ўтамиз, чунки бу баҳолаш тизими билан узвий боғлиқдир.

К-12 тизими

К-12 термини АҚШ ва Канаданинг таълим соҳасида ишлатилади. “К” ҳарфи (kindergarten) тизим болалар боғчасидан кейин бошланишини ва “12” рақами таълим 12 йил давом этишини билдиради.

АҚШда таълим жамоатчилик (public), хусусий (private) ва уй мактабларида (home schools) амалга оширилади. Штатлар ҳукумати умумий ўрта таълим стандартларини белгилайдилар, К-12 давлат мактаблари тизимида стандартлаштирилган тестларни ўтказишни талаб қилади ва унинг бажарилишини таълимни бошқарув органлари (board regents), штат коллежлари ва университетлари орқали назорат қилади. Таълим муассасаларини молиялаштириш штат (state), маҳаллий (local) ва федерал (federal) ҳукумат томонидан амалга оширилади [1]. Хусусий мактаблар, одатда, ўзларининг ўқув режаларини ишлаб чиқиш ва кадрлар сиёсатини амалга оширишда мустақилдир. Гарчи хусусий мактаблар давлат томонидан баъзида назорат қилинса-да, уларда мустақил ҳудудий аккредитация органлари орқали ихтиёрий равишда аккредитациядан ўтиш имконияти мавжуд. 2013 йилдаги маълумотга кўра мактаб ёшидаги болаларнинг 87 фоизи штатлар томонидан молиялаштириладиган давлат мактабларида, 10 фоизи жисмоний шахслар ва фондлар томонидан молиялаштириладиган шахсий мактабларда [2] ҳамда 3 фоизи уй мактабларида таълим олишган [3].

АҚШда гўдаклар (3 ёшгача) учун кунлик парвариш (Day Care) дастури мавжуд бўлиб, унга кўра болалар ота-оналари ишда бўлган вақтларда парвариш қилинади. Бундай кунлик парвариш дастури ўқитишни ёки фақат гўдакларни ижтимоий фаолиятга ўргатишни ўз ичига олган бўлиши мумкин. Кунлик парвариш дастури мажбурий эмас ва бу пулли ҳисобланади. Яратилган шарт-шароитига қараб тўлов пули жуда қиммат бўлиши ҳам мумкин. Кунлик парвариш дастурида, одатда 12 соатгача бўлган кунлик хизмат таклиф қилинади. Болаларнинг овқатланиши уларнинг ота-оналари ёки шу мактаб томонидан таъминланади. Болаларнинг келиши ва кетиши одатда ота-оналар зиммасида

бўлади. Баъзи кунлик парвариш дастурлари болаларнинг келиш ва кетишини ҳам ўз зиммасига олади, лекин бу камдан-кам ҳолларда амалга ошади.


1-расмда АҚШда болаларнинг таълим олишининг ёш бўйича тақсимланиши кўрсатилган. АҚШда “боғчагача таълим” болалар (1-расмда (БТ), инглиз тилида, бу давр учун “Pre-School”, “Pre-K” ёки “Pre-kindergarten” терминлари ишлатилади) биринчи марта тўлақонли ўқув синфларида ўқиш муҳитига дуч келадиган давр ҳисобланади. Бу давр 3 ёшдан бошланиб, болани таълимга кўпроқ вақт ажратилган, “боғча”га (диаграммада (Б), инглиз тилида бу давр учун “Kindergarten” термини ишлатилади) тайёрлайди. Баъзи боғчагача таълим муассасалари Montessori, Waldorf, High Reach Learning, High Scope, The Creative Curriculum, Reggio Emilia ёндашуви, Bank Street [5,6] каби махсус дастурлар асосида дарсларни олиб борадилар. Боғчагача таълим ҳам мажбурий бўлмай, у фақат болани боғчага тайёрлаш вазифасини бажаради. Бунда кунига 2-3 соатлик дарслар таклиф қилинади. Болалар алфавит, ранглар, санаш каби элементар нарсаларни ўрганишади. Боғчагача таълим пулли тўлов ҳисобига амалга оширилади. Болаларнинг овқатланиши ва транспорт билан таъминланиши Кунлик парвариш (Day Care) дастуридаги кабидир. Боғчаларда асосий эътибор боланинг ижтимоий, жисмоний, эмоционал ва когнитив (қабул қилиш) ривожланишига қаратилади. Уларда асосан юқорида эслатилган таълим бўлимларининг дастурлари асосида дарслар олиб борилади.

АҚШ штатлари қонунчилигига кўра 5-8 ёшдан бошлаб 16-18 ёшгача таълим мажбурийдир [4]. Бу талаблар давлат мактаблари (public schools), штатлар томонидан сертификатланган хусусий мактаблар (private schools), тасдиқланган уй мактабларида (home schools) қўлланилади. Кўп мактабларда мажбурий таълим 3 та босқичга бўлинади: элементар мактаблар (elementary schools), ўсмирлар олий мактаби (juniors high schools) ва олий мактаб (high schools). Ўқувчилар ёши бўйича синфларга (grade) ажратилади: бу 5-8 ёшли ўқувчилар гуруҳидан ташкил топган боғча синфлари (kindergarten grades) ва 7-8 ёшдаги болалардан ташкил топган 1-синфлардан 17-18 ёшдаги ўсмирлар гуруҳидан ташкил топган 12-синфгача (high school grades) бўлган синфлардир. АҚШда давлат ва хусусий таълим муассасалари томонидан таъминланган олий таълим муассасалари ҳам мавжуд. Иккинчи босқич (secondary education) таълимидан кейин 2 та таълим тури мавжуд бўлиб, биринчиси коллеж (college) ва университет босқичларидир (graduate schools.)

АҚШда 3,5 мингдан ортиқ коллеж ва университетлар фаолият олиб боради. Шунингдек керакки, АҚШда коллеж ва университетлар салоҳияти бўйича бир-биридан жуда кам фарқ қилади. Коллежлар биздаги олий таълим муассасалари даражасига яқинлашган таълим муассасаси ҳисобланади. АҚШда коллежни тугатганлар ҳам, университетни тугатганлар ҳам олий маълумотга эга бўлади. Университетда ҳам, коллежда ҳам талабалар бакалавр, магистр ва докторлик даражаларини олишлари мумкин. Фарқи шундаки, университетлар қошида коллежлар ташкил этилади. Масалан, Гарвард университети медицина, муҳандислик коллежлари ва бизнес мактабларини ўз ичига олади.

Докторантурада (post-doctoral study) PhD даражаси олингандан кейин 2-3 йилгача илмий тадқиқотни илмий раҳбар билан бирга ёки мустақил давом эттириши мумкин. Одатда, докторантурага танлов эълон қилинади ва талабгорлар ўзининг соҳаси бўйича ўз ватанларида ёки бошқа дунёнинг ривожланган таълим муассасаларида ёки илмий тадқиқот институтларида эълон қилинган танловларда қатнашадилар. АҚШ ва бошқа кўпгина давлатларда докторантурада ўқиш ўрни докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш учун эмас (АҚШда илмий даража битта - PhD), балки илмий тадқиқотни ривожлантириш ва тажриба орттириш учун берилади. Бу даврда чоп этилган мақоларнинг сони ва сифати доимий иш топишда жуда муҳим омил ҳисобланади. Илмий ходим докторантурада бир ёки бир неча марта тажриба орттирганидан сўнг доимий ишга ўтишга ҳаракат қилади. Иккинчи ёки ундан кейин докторантурага қабул қилишда олдинги докторантура давомида бажарилган илмий ишлари ва мақолалари баҳоланади (мақолани баҳолаш чоп этилган журналнинг импакт кўрсаткичи, мақолага ҳаволалар, h-индекс ва ҳ.к. омиллар билан белгиланади).

АҚШда ўқиш август ойининг охири ва сентябрь ойининг бошидан бошланади ва май ойининг охири ва июнь ойининг бошида тугайди. К-5 – К-6 синфларини элементар (elementary schools), К-6 – К-8 синфларни ўрта (middle schools), К-9 – К-12 синфларни олий мактаб (high schools) босқичи ҳисобланади. 1-расмда АҚШдаги мактабларида ўқувчиларнинг ёши ва унга мос келадиган синфлар тақсимланиши келтирилган [5].



1-расм. АҚШ таълим тизими

Ўқув режа, синфдошлар тушунчаси ва спорт

АҚШда ўқув режаси барча учун ягона эмас, балки индивидуалдир, шунинг учун бирор бир ўқув фани бўйича ўқувчилар битта жамоа билан бирга ўқиса, бошқасида бошқа бир жамоа билан таълим олишлари мумкин.

Мактабда болаларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланишига жуда катта эътибор берилади. Бошланғич ва ўрта мактабларда жисмоний тарбия дарслари мунтазам ўтказилади.

Мактабларда баскетбол, футбол, теннис, гольф ва бошқа спорт турлари билан шуғулланиш имконияти яратилган.

Барча спорт турлари бўйича мактаблар, шаҳарлар, худудлар ўртасида мусобақалар ўтказилади ва бу давлатда спортнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

АҚШ мактабларида қуйидагиларга катта эътибор қаратилади:

- ўқувчиларнинг мустақиллиги;
- масъулиятлилиги;
- ўз-ўзига нисбатан талабчанлик;
- психологик қобилият;
- академик қобилият;
- креативлиги;
- фикрлаш мустақиллиги.

АҚШ мактабларида ўқувчилар билимини баҳолашнинг аҳамияти

АҚШ мактабларида ўқувчилар билимини баҳолашда қуйидагиларга катта аҳамият беради:

- ўқувчилар мақсадга-интилувчан бўлиши ва билимли болалар билан бирга ўқиши учун астойдил ҳаракат қилишлари керак бўлади;

- ўқувчидан яхши баҳога ўқишни ва давоматни талаб қилиш ўқитувчининг ҳуқуқи, бу талаблар бажарилмаса курсларни иккинчи йил қайта ўқиш ўқувчиларнинг ҳуқуқи ҳисобланади. Сабабсиз қолдирилган дарслар миқдори 5 соатдан ошмаслиги керак;

- уйга берилган вазифа бажарилмаса, ўқувчига энг паст баҳо “F” баҳоси қўйилади;

- ўқитувчилар ҳафтада бир марта ўз фанлари бўйича тест синовларини ўтказишади;

- ўқувчилар бир йилда бир марта IQ ёки Henmon-Nelson каби психологик тест синовларидан ўтказилади;

- тартиб-интизом ва уй вазифасининг қандай бажарилгани якуний рейтингга таъсир қилади. Бошқа кўрсаткичлар бир хил бўлганда давомати яхшироқ бўлган ўқувчининг рейтинги юқорироқ бўлади;

- маълум бир мактаб ёки коллежга кириш учун минимал кредит йиғиш талаби бор, ҳаттоки тайёрлов курсларига қатнашиш учун ҳам "шахсий кредит"и бўлиши керак. Стипендия миқдори ҳам шунга боғлиқ.

АҚШ мактабларида ўқувчилар билими шунчаки интуитив баҳоланмайди, балки илмий асосланган педагогик ўлчов воситаси билан, стандартлаштирилган тест натижасида баҳоланади. Ўқувчиларнинг билимини баҳолаш таълим сифатини оширишнинг ўта муҳим омили сифатида қаралади.

Бошланғич мактаб босқичи

Бошланғич мактабларда (elementary schools, grade schools, grammar schools) 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар ўқишади. Битта ўқитувчи тасвирий санъат, музика ва жисмоний тарбия фанларидан ташқари қолган барча фанларни ўқитади. Арифметика (камдан-кам ҳолларда бошланғич алгебра), ўқиш ва ёзиш ўқитилади. Бунда асосий эътибор орфография ва сўз бойлигини оширишга қаратилади. Табиий ва ижтимоий фанларга кам соат ажратилади.

Экскурсия, бадий тўғараклар, кунлик тадбирлар ва меҳнати эвазига олинадиган билимларга кўпроқ эътибор берилади.

Ўрта мактаб босқичи

Ўрта мактаб (middle schools, junior high schools, intermediate schools) 11 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар 6-синфдан 8-синфгача ўқишади. 6-синф ўрта мактабга ва бошланғич мактабга қўшилган ҳолатлар ҳам бор. Ҳар бир фандан алоҳида мутахассис ўқитувчи дарс беради. Барча учун ўқитилиши мажбурий бўлган фанлар ҳам бўлиб, булар:

- табиий фанлар: кимё, биология, физика;
- адабиёт;
- математика (алгебра ва геометрия ҳам қиради);
- ижтимоий фанлар: тарих, география, социология ва демократия асослари;
- жисмоний тарбия.

Бир ёки икки ўқув фанини ўқувчининг ўзи танлайди. Одатда бу ўқув фанлари чет тили (кўпинча испан тили), санъат ва технология фанлари бўлади.

Олий мактаб босқичи

Бу босқичда ўқувчиларга кўпроқ эркинликлар берилади, яъни улар ҳар бир ўқув фанини махсус хоналарда ўқийдилар, ўзлари учун қўшимча фанлар танлашлари мумкин. Факультатив машғулот, асосий фанларга қўшимча дарслар ва ижодий машғулотлар (театр тўғараги, бадий фотография ва ҳ.к.) соати ўқилган фаннинг ҳажмини ҳисоблашда кредит соатлари ёки баллар кўринишида ҳисобга олинади.

Юқори синфда олинган баллар диплом иловаси (транскрипция)га қўйилади ва бу коллежга ўқишга киришда муҳим роль ўйнайди.

Ўқитилиши мажбурий бўлган фанларни неча соат ўқитиш кераклигини ҳар бир штатнинг ўзи белгилайди. Одатда, математика, инглиз тили, табиий ва ижтимоий фанларни ўқитиш даври 2 йилдан 4 йилгача давом этади. Баъзан бир неча йил чет тили, ўқиш, тасвирий санъат, соғлиқ бўйича дарслар (бунда,

анатомия, озиқланиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, вояга етганлар билиши керак бўлган билимлар, наркотиклар ҳақида маълумотлар ва туғилишни бошқариш кабилар)ни ўқиш талаб қилинади. Кўп ҳолларда бу каби ўқув фанларини ўрганиш ўқувчининг ўзига тавсия қилинади. Кўп мактаблар кенгайтирилган билимлар берадиган курсларни (Advanced placement, International Baccalaureate) таклиф қилишади. Бу курслар 11 ва 12-синфларда ўқитилади, лекин 9-синфдан бошлаб ҳам бу курсларни ўқиш мумкин. Юқори мактаб диплом иловаси (транскрипция) намунаси 2-расмда берилган.

Юқори мактаб диплом иловаси										
Ф.И.О:		Туғилган йили:								
Манзили:										
Мактаб номи:										
Телефони (ота-онанинг):										
Синфлар	Ўқув йили	Курс номи	Тўлиқ семестр		Баҳорги семестр		Якуний		Йиллик	
			Балл	Кредит	Балл	Кредит	Балл	Кредит	Кредит	GPA
9	2012	Теология:	A	0.5	A	0.5	A	1	7.0	3.94
		Апологетика	A	0.5	A	0.5	A	1		
	2013	Қадимги адабиёт	A	0.5	A	0.5	A	1		
		Қадимги тарих	A	0.5	A	0.5	B+	1		
		Грамматика I	B	0.5	B	0.5	B	1		
		Композиция	B	0.5	B	0.5	B	1		
		Алгебра I	B	0.5	A	0.5	A-	1		
		Биология I	A	0.5		0.5				
Латин I										
10	2012	Илҳом илҳор	A	0.5	B	0.5	B+	1	7.0	3.07
		апологетика	A	0.5	A	0.5	A	1		
	2013	Классик адабиёт	B	0.5	A	0.5	A-	1		
		Европа тарихи	A	0.5	A	0.5	A	1		
		Ўзвучилик ижоди	B	0.5	B	0.5	B	1		
		Геометрия	B	0.5	A	0.5	A-	1		
		Концептуаль	A	0.5	A	0.5	A	1		
		физика		0.5						
Латин II										
11	2014	Илҳом: Ўзв	A	0.5	A	0.5	A	1	7.0	3/71
		Замонавий /	A	0.5	A	0.5	A	1		
	2015	Америка адабиёти	A	0.5	A	0.5	A	1		
		Америка тарихи	A	0.5	A	0.5	A	1		
		Луғат ва ўзв	B	0.5	B	0.5	B	1		
		Кимё	B	0.5	B	0.5	B	1		
		Алгебра II	A	0.5	-	0.0	A	0.5		
		Иқтисодиёт	-	0.0	A	0.5	A	0.5		
Нутқ ва адоқ										
12	2015	Илҳор илҳом	A	0.5	A	0.5	A	1	7/0	3.86
		Илҳор адабиёт	A	0.5	A	0.5	A	1		
	2016	Жаҳон тарихи	A	0.5	A	0.5	A	1		
		Мураккаб ўзиш	A	0.5	A	0.5	A	1		
		Томонистик	A	0.5	A	0.5	A	1		
		фалсафа	B	0.5	B	0.5	B	1		
		Олдиндан	A	0.5	-	0.0	A	0.5		
		хисоблаш	-	0.0	A	0.5	A	0.5		
АҚШ ҳукумати										
Дастурлаштиришга кириш										
Баҳолаш даражаси: A 90-100; B 80-89; C 70-79; D 60- 69; F 60 дан паст; AP курслари: A = 5; B = 4; C = 3										
Битта кредит курсларининг вази (120 соат): A = 4.0; B = 3.0; C = 2.0; D = 1.0; F = 0.0										
Имзоланган: Ф.И.О. санаси: 2016 йил 31 май										

2-расм. Юқори мактаб диплом иловаси (транскрипция) намунаси

К-12 тизимида баҳолаш шкаласи

АҚШдаги мактабларда ўқувчилар билими мактаб ўқитувчилари томонидан баҳоланади ва ҳисобот варақалари даврий равишда ота-оналарга берилади. Одатда ўқувчининг рейтинг дафтарига ҳар бир топшириқ ва тест учун баллар ҳамда ҳар бир топшириқ учун энг юқори балл қайд этилади. Чорак ёки йил охирида ўқувчилар АF ҳарфли баҳолар кўринишида, (бунда А энг мақбул ва F эса муваффақиятсизлик даражасидир, кўпчилик мактабларда E ҳарфи киритилмаган ўлчовдир) ёки фоиз кўринишида баҳоланади. Уалдорф мактаблари, кўпчилик демократик мактаблар ва бошқа айрим хусусий мактаблар ҳарф ёки рақамлар ўрнига ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг ёзма тавсифини беради [6].

К-12 системасида қониқарсиз баҳо олган ўқувчилар курсни ўзлаштиришлари учун (курсни) қайтадан ўқийди.

1- ва 2-жадвалда 2009 йилдаги АҚШнинг жамоатчилик (давлат) “олий мактаб”ларида ва коллежларида билимни баҳолаш мезонлари (the 2009 High School Transcript Study) келтирилган. Бу энг кўп ишлатиладиган баҳолаш мезони ҳисобланади, лекин баъзи мактабларда бошқа мезонлар ҳам қўлланилади. Шунинг қайд этиш керакки, ўқувчиларнинг билими стандарт тестлар ёрдамида баҳоланиб, максимал балдан ўқувчи неча фоиз тўплаганига қараб унга А дан F гача ёки 0 дан 4 гача балл қўйилади.

1-жадвал

АҚШнинг жамоатчилик (давлат) “олий мактаб”ларида билимни баҳолаш мезонлари

Ҳарфли баллар	Тўғри жавоблар фоизи	Рақамли баллар
A	90-100	4,0
B	80-89	3,0
C	70-79	2,0
D	60-69	1,0
F	0-59	0,0

2-жадвал

АҚШнинг кўпчилик коллежларида қўлланиладиган баҳолаш тизими (Бу тизим универсал эмас, баъзи коллежлар бошқача мезонларни ҳам ишлатиши мумкин)

Ҳарфли баллар	Тўғри жавоблар фоизи	Рақамли баллар
A+	97–100	4,33/4,00 ёки
A	93–96	4,00/4,00
A–	90–92	3,67/4,00
B+	87–89	3,33/4,00

B	83–86	3,00/4,00
B–	80–82	2,67/4,00
C+	77–79	2,33/4,00
C	73–76	2,00/4,00
C-	70–72	1,67/4,00
D+	67–69	1,33/4,00
D	63–66	1,00/4,00
D-	60–62	0,67/4,00
F	< 60	0,00/4,00

Ўртача бални кредит соатларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш

АҚШда мактабларнинг юқорида қайд этилган босқичларидан бирини тугатганда, айниқса “олий мактаб” (high school) босқичини тугатганда барча фанлардан олинган ўртача баллар муҳим (Grade Point Average-GPA) ҳисобланади. Юқордиги 1 ва 2-жадвалларда келтирилган баҳолашда ҳар бир фан бўйича олинган билим даражаси ҳақида тасаввур пайдо бўлса, GPA баллари ўқувчи мактабда умуман қандай ўқиганлиги ҳақида тасаввур пайдо қилади. Шунини таъкидлаш керакки, мактабда олинган GPA баллари худди тест баллари сингари ўқишга қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардан бири ҳисобланади. Умуман олганда АҚШда тест синовлари натижалари ўқишга кириш учун керак бўладиган ягона омил эмас. Бу омиллар ҳақида кейинроқ маълумот бериб ўтаемиз.

АҚШда “олий мактаб” босқичини битириш учун 24-26 кредит соатларини йиққан бўлиши керак. “Олий мактаб” босқичида одатда 1 кредит соати бир йил давомида ҳафтасига 1 соатлик дарс ва 1 соатлик мустақил ишни назарда тутати. Ярим йилда бу 0,5 кредит соатига тўғри келади. Кредит соатлари мактабни битирганлиги тўғрисида бериладиган ҳужжат иловасида берилади. 3-жадвалда ҳар бир фан бўйича кредит соатларини ҳисобга олган ҳолда GPAни ҳисоблашга мисол келтирилган.

3-жадвал

GPAни ҳисоблаш намунаси.

Предметлар	Кредит соатлар (t)	Баллар (s)	s*t	=
Арифметика	2	A(4,0)	2x4	8
Тарих	2	B+(3,3)	2x3,3	6,6
Кимё	4	A(4,0)	4x4,0	16,0
Жисмоний тарбия	1	C-(1,7)	1x1,7	1,7
Француз тили	2	B(3,0)	2x3	6,0
Америка ҳукумати	1	B-(2,7)	1x2,7	2,7
Суд тиббиёт экспертизаси	1	A(4,0)	1x4,0	4,0
	13			45
GPA=45/13=3,46				

Бу жадвалдаги маълумотлардан ўқувчининг билими ҳақида қуйидагича хулосалар қилиш мумкин. У табиий фанлар ва ўзи танлаган суд тиббиёт экспертизаси йўналишидаги билимлари билан фахрланиши мумкин, лекин жимоний тарбиядаги натижалари билан мактана олмайди. Мактабдаги умумий ўзлаштириши анча яхши 3,46 балл, яъни А ва А- баллар орасида. Олий таълим муассасасига ўқишга кириш учун ўқувчининг баллари В дан юқори бўлиши керак.

Бундан ташқари ўқувчилар баъзи фанлар бўйича кенгайтирилган курсларда (Advanced Placement - AP) ўқишлари мумкин. Бу курсларда ўқиган ўқувчиларнинг баллари одатдаги курсларда (Non-advanced Placement-NonAP) ўқиган ўқувчиларнинг балларига нисбатан юқорироқ бўлади. 4-жадвалда AP ва Non-APда баҳолашлар солиштирилган.

4-жадвал

AP ва Non-APни таққослаш.

Харфли баллар	AP	Non-AP
A+	5,33	4,33
A	5,00	4,00
A-	4,67	3,67
B+	4,33	3,33
B	4,00	3,00
B-	3,67	2,67
C+	3,33	2,33
C	3,00	2,00
C-	2,67	1,67
D+	2,33	1,33
D	2,00	1,00
D-	1,67	0,67
F	0,00	0,00

4-жадвалдаги 3-устундаги баллар одатий курсларда (Non-AP) ўқиган ўқувчиларга қўйиладиган баллардир (2-жадвал 3-устун билан бир хил), 2-устун эса кенгайтирилган курсларда (AP) ўқиган ўқувчиларга қўйиладиган баллардир.

5-жадвалда худди 3-жадвалдагидек GPA балини ҳисоблаймиз. 3-жадвалдан (Non-AP) фарқ, бу жадвалда ўқувчи баъзи фанлардан кенгайтирилган курсларда ўқиган.

5-жадвал

Баъзи фанлардан AP да ўқиган ўқувчининг GPAsини ҳисоблаш намунаси.

Курс тури	Предметлар	Кредит	Баллар	s*t	=
AP	Арифметика	2	A(5,0)	2x4	8
AP	Тарих	2	B+(4,3)	2x4,3	8,6
Non-AP	Химия	4	A(4,0)	4x4,0	16,0
AP	Жисмоний тарбия	1	C-(2,7)	2x1,7	3,4
Non-AP	Француз тили	2	B(3,0)	2x3,0	6,0

AP	Америка ҳукумати	1	B-(3,7)	1x3,7	3,7
Non-AP	Суд тиббиёт	1	A(4.0)	1x4.0	4,0
		13			51,0
GPA=51/13=3.92					

5-жадвалдан кўринадикки, кредит соатлар бир хил бўлганда ҳам AP курсларида ўқиган ўқувчининг GPA баллари Non-APда ўқиган ўқувчиларнинг балларига нисбатан юқорироқ бўлади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек GPA баллари олий ўқув юртларига кириш учун аҳамиятли омил ҳисобланади. Бошқа аҳамиятли омиллар қуйидагилардан иборат (аҳамияти камайиб бориш тартибидан):

- коллежга тайёрлов курслари баллари
- CV (резюме)
- тест баллари (SAT, ACT ва ҳ.к.)
- бутун курслар бўйича олган баллари (GPA)
- иншо (Essay writing sample)
- консултант тавсияномаси
- ўқитувчи тавсияномаси
- фанлардан тест натижаси (масалан, SAT subject tests)
- суҳбат
- ижтимоий фаоллиги (спорт, мусиқа ва ҳ.к.)
- портфолио.

Кўриниб турибдики, ўқувчини талабалikka қабул қилишда унинг барча яхши хусусиятлари, ҳаттоки мактабдаги ўзини тутиши ҳам ўқитувчилар махфий тавсияномаси асосида ҳисобга олинади. Ўқитувчи махфий тавсияномаси эса жиддий омил ҳисобланади. Ўқитувчининг салбий тавсияномаси ўқишга қабул қилинмасликка сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Яна шуни таъкидлаш мумкинки, АҚШ мактабларида ўқувчилар билими фақат тест асосида баҳоланади ҳамда бу баҳоларнинг ҳам кимга тегишлилиги махфий сақланади ва исм-шарифи ўрнида махсус кодлар билан натижалар эълон қилинади. Алоҳида ўқувчини ёзув тахтасига чиқариб баҳолаш амалиёти қўлланилмайди. Ота-оналар фарзандларининг балларини интернет орқали ўзларининг шахсий кабинетлари орқали кўришлари мумкин.

Юқоридаги баҳолаш тизимида биринчи навбатда мактабда олинган баҳолар статистик таҳлил қилинади. Бунда ўқувчининг жорий тест баллари ва боб тугагандан сўнг оралик назорати тест баллари йиғилади ва ниҳоят босқичли назорат тест баллари йиғилади. Синф ва мактабнинг ўртача баллари ҳам А, В, С, D ва F (0-4/5) тизимида тест синовларида олган баллари фоизига қараб ҳисобланади, бу эса бошқа синфлар ва бошқа мактаблар рейтингини ўзаро солиштириш учун қулай ҳисобланади. Худди шундай тизим олий таълимда ҳам ишлатилади.

Балнинг кимга тегишли эканлиги ҳақидаги маълумотнинг махфийлигини таъминлаш учун қуйидагича йўл тутиш мумкин: ҳар бир ўқувчига шахсий ID код берилади. Бунга мисол 6-жадвалда берилган.

ID кодлари ва унинг кимга тегишлилиги фақат ўқитувчига маълум бўлади. Ўқувчи фақат ўзининг ва унинг ота-онаси эса фақат ўз фарзандининг ID кодларини билишади. Ўқитувчи қўлида қуйидаги 7-жадвал кўринишидаги excel файли бўлиши мумкин (бунда чап томондаги катаклар белгиланмаган. Ушбу excel форматдаги файл [7]ни инглиз тилида текинга олиш мумкин, шу файлдан фойдаланиш шартлари ҳамда муалифлик ҳуқуқлари ҳам берилган). Баллар эълон қилинганда ёки ота-онага кўрсатилгандаги кўриниши 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвалдан кўриш мумкинки, унда исм – фамилиялар берилмасдан фақат шахсий кодлар келтирилган. Исм-фамилия шаклидан код шаклига “IDни кўрсатинг” тугмасини белгилаб ўтиш мумкин. Бу жадвалга фақатгина уйга вазифаси тестлари, тестлар учун бериладиган баллар ва уларнинг неча фоизига ҳар бир ўқувчи тўғри жавоб берганлиги ҳақида маълумот киритилади қолган маълумотларни (синф бали, ўқувчиларнинг ҳарфлар ва сонлар билан ифодаланган бали, медиана, стандарт оғиш ва ҳ.к.) дастурнинг ўзи ҳисоблайди.

6-жадвал

Ўқувчиларнинг ID кодлари

	Ф.И.О	ID
1	Алиев А.	102
2	Валиев В.	104
3	Тошматова Ф.	106
4	Салимов С.	108
5	Долимова Д.	110
6	Абдурахмонов А.	112
7	Бобоева Б.	114
8	Неъматов Н.	116
9	Тошпўлатова А.	118
10	Темиров г.	120
11	Парпиева П.	122
12	Мусаева М.	124
13	Жовлиев Ж.	126
14	Жўраева Г.	128
15	Маликов Т	130
16	Рахматов Р	132
17	Бойматова Ш.	134
18	Набиев Р.	136
19	Ўктамов Р.	138
20	Шодиева З.	140
21	Комронов А	142
22	Абдиева О.	144
23	Фарходов Р.	146
24	Баҳодирова А.	148
25	Омонова Т	152
26	Рахматиллаева Р.	154

Ўқитувчи тасарруфида бўлган жадвал

Рейтинг дафтари

[Фаннинг номи]

Ўқитувчи]

[Хона/Вақт]

ID ни кўрсатиш

Максимал балл:

Уйга вазифалар учун умумий баллар														
УВ 1	УВ 2	УВ 3	УВ 4	Тест 1	УВ 5	УВ 6	УВ 7	УВ 8	Тест 2	УВ 9	УВ 10	УВ 11	Якуний	
50	60	50	50	150	50	50	50	50	150	50	50	50	50	250

Ўқувчи

№	Алиев А.	Валиев В.	Тошматова Ф.	Салимов С.	Долимова Д.	Абдурахмонов А.	Бобоева Б.	Неъматов Н.	Тошпўлатова А.	Темиров г.	Парпиева П.	Мусаева М.	Жовлиев Ж.	Жўраева Г.	Маликов Т.	Рахматов Р.	Бойматова Ш.	Набиев Р.	Ўктамов Р.	Шодиева З.	Комронов А.	Абдиева О.	Фарходов Р.	Баҳодирова А.	Омонова Т.	Рахматиллаева Р.	
1	80,0%	100,0%	98,0%	72,0%																							
2	80,0%	82,0%	56,0%	78,0%																							
3	84,0%	84,0%	100,0%	58,0%																							
4	82,0%	92,0%	80,0%	98,0%																							
5	86,0%	96,0%	62,0%	74,0%																							
6	88,0%	98,0%	62,0%	76,0%																							
7	94,0%	90,0%	72,0%	80,0%																							
8	90,0%	84,0%	82,0%	52,0%																							
9	98,0%	88,0%	64,0%	74,0%																							
10	84,0%	86,0%	74,0%	96,0%																							
11	94,0%	96,0%	100,0%	58,0%																							
12	80,0%	82,0%	68,0%	90,0%																							
13	84,0%	86,0%	94,0%	92,0%																							
14	82,0%	92,0%	88,0%	70,0%																							
15	94,0%	100,0%	50,0%	84,0%																							
16	92,0%	82,0%	80,0%	80,0%																							
17	90,0%	94,0%	92,0%	96,0%																							
18	80,0%	86,0%	68,0%	92,0%																							
19	82,0%	80,0%	54,0%	72,0%																							
20	86,0%	94,0%	86,0%	70,0%																							
21	84,0%	92,0%	64,0%	94,0%																							
22	88,0%	88,0%	70,0%	56,0%																							
23	100,0%	92,0%	70,0%	80,0%																							
24	92,0%	100,0%	92,0%	64,0%																							
25																											
26	100,0%	100,0%	100,0%	100,0%																							
27																											
28																											
29																											
30																											

Сниф бали: 87,8% 90,6% 77,0% 78,2%
 Медиана: 86,0% 92,0% 74,0% 78,0%
 Стд. оғиш: 6,4% 6,4% 15,5% 14,1%

Умумий балл % Баҳолар

185,0	88,1%	B+
156,2	74,4%	C
171,4	81,6%	B-
185,2	88,2%	B+
168,6	80,3%	B-
171,8	81,8%	B-
177,0	84,3%	B
162,4	77,3%	C+
170,8	81,3%	B-
178,6	85,0%	B
183,6	87,4%	B+
168,2	80,1%	B-
186,6	88,9%	B+
175,2	83,4%	B
174,0	82,9%	B-
175,2	83,4%	B
195,4	93,0%	A
171,6	81,7%	B-
152,0	72,4%	C-
177,4	84,5%	B
176,2	83,9%	B
159,8	76,1%	C+
180,2	85,8%	B
184,0	87,6%	B+
210,0	100,0%	A+

Ўртача: 83,7% B
 Медиана: 83,4%
 Стд. оғиш: 5,8%

Ҳарfli баҳо ва фоиз боғлиқлиги

Баҳо	Фоиз	Ўзлаштириши
A++	100%	Мукаммал
A+	98%	Аъло
A	95%	Аъло
A-	92%	Аъло
B+	88%	Яхши
B	85%	Яхши
B-	82%	Яхши
C+	78%	Қониқарли
C	75%	Қониқарли
C-	72%	Қониқарли
D+	68%	Ўтди
D	65%	Ўтди
D-	62%	Ўтди
F	55%	Ўтмади

Баллар эълон қилинганда ёки ота-онага кўрсатиладиган жадвал

Рейтинг дафтари

[Фаннинг номи]
[Уқитувчи]
[Хона/Вақт]

ID ни кўрсатиш

Максимал балл:

Уйга вазифалар учун умумий баллар													
УВ 1	УВ 2	УВ 3	УВ 4	Тест 1	УВ 5	УВ 6	УВ 7	УВ 8	Тест 2	УВ 9	УВ 10	УВ 11	Яқуний
50	60	50	50	150	50	50	50	50	150	50	50	50	250

Ўқувчи

1, 102	80,0%	100,0%	98,0%	72,0%									
2, 104	80,0%	82,0%	56,0%	78,0%									
3, 106	84,0%	84,0%	100,0%	58,0%									
4, 108	82,0%	92,0%	80,0%	98,0%									
5, 110	86,0%	96,0%	62,0%	74,0%									
6, 112	88,0%	98,0%	62,0%	76,0%									
7, 114	94,0%	90,0%	72,0%	80,0%									
8, 116	90,0%	84,0%	82,0%	52,0%									
9, 118	98,0%	88,0%	64,0%	74,0%									
10, 120	84,0%	86,0%	74,0%	96,0%									
11, 122	94,0%	96,0%	100,0%	58,0%									
12, 124	80,0%	82,0%	68,0%	90,0%									
13, 126	84,0%	86,0%	94,0%	92,0%									
14, 128	82,0%	92,0%	88,0%	70,0%									
15, 130	94,0%	100,0%	50,0%	84,0%									
16, 132	92,0%	82,0%	80,0%	80,0%									
17, 134	90,0%	94,0%	92,0%	96,0%									
18, 136	80,0%	86,0%	68,0%	92,0%									
19, 138	82,0%	80,0%	54,0%	72,0%									
20, 140	86,0%	94,0%	86,0%	70,0%									
21, 142	84,0%	92,0%	64,0%	94,0%									
22, 144	88,0%	88,0%	70,0%	56,0%									
23, 146	100,0%	92,0%	70,0%	80,0%									
24, 148	92,0%	100,0%	92,0%	64,0%									
25, 152													
26, 154	100,0%	100,0%	100,0%	100,0%									
27,													
28,													
29,													
30,													
Сниф бали:	87,8%	90,6%	77,0%	78,2%									
Медиана:	86,0%	92,0%	74,0%	78,0%									
Стд. огиш:	6,4%	6,4%	15,5%	14,1%									

Умумий балл % Баҳолар

185,0	88,1%	B+
156,2	74,4%	C
171,4	81,6%	B-
185,2	88,2%	B+
168,6	80,3%	B-
171,8	81,8%	B-
177,0	84,3%	B
162,4	77,3%	C+
170,8	81,3%	B-
178,6	85,0%	B
183,6	87,4%	B+
168,2	80,1%	B-
186,6	88,9%	B+
175,2	83,4%	B
174,0	82,9%	B-
175,2	83,4%	B
195,4	93,0%	A
171,6	81,7%	B-
152,0	72,4%	C-
177,4	84,5%	B
176,2	83,9%	B
159,8	76,1%	C+
180,2	85,8%	B
184,0	87,6%	B+
210,0	100,0%	A+
Ўртача:	83,7%	B
Медиана:	83,4%	
Стд. огиш:	5,8%	

Ҳарфли баҳо ва фоиз боғлиқлиги

Баҳо	Фоиз	Ўзлаштириши
A++	100%	Мукаммал
A+	98%	Аъло
A	95%	Аъло
A-	92%	Аъло
B+	88%	Яхши
B	85%	Яхши
B-	82%	Яхши
C+	78%	Қониқарли
C	75%	Қониқарли
C-	72%	Қониқарли
D+	68%	Ўтди
D	65%	Ўтди
D-	62%	Ўтди
F	55%	Ўтмади

9-жадвалда синф ўқувчилари баҳоларининг статистик таҳлили, унинг гистограммаси келтирилган.

9-жадвал


Синф баллари ва унинг статистик таҳлиллари намунаси

Баҳолар шкаласи

Минимумлар	Баҳо	Частота	
0,0%	F	0	0,0%
60,0%	D-	0	0,0%
63,0%	D	0	0,0%
66,0%	D+	0	0,0%
70,0%	C-	1	4,0%
73,0%	C	1	4,0%
76,0%	C+	2	8,0%
80,0%	B-	7	28,0%
83,0%	B	7	28,0%
86,0%	B+	5	20,0%
90,0%	A-	0	0,0%
93,0%	A	1	4,0%
96,0%	A+	1	4,0%

100 ўқувчилар: 25

Гистограмма



Синфнинг ўртача бали

83,74% B

Медианаси: 83,43% (50 - процентил)
Стандарт оғиш: 5,82%

Харфли баҳо ва фоиз боғлиқлиги

Баҳо	Фоиз	Ўзлаштириши
A++	100%	Мукамал
A+	98%	Аъло
A	95%	Аъло
A-	92%	Аъло
B+	88%	Яхши
B	85%	Яхши
B-	82%	Яхши
C+	78%	Қониқарли
C	75%	Қониқарли
C-	72%	Қониқарли
D+	68%	Ўтди
D	65%	Ўтди
D-	62%	Ўтди
F	55%	Ўтмади

Процентиллар

p	Процентил	Тўғриқилиши
90,0%	88,59%	"90% ўқувчилар 88,59% дан кам балл олди..."
65,0%	84,82%	
35,0%	81,75%	
10,0%	76,59%	

АҚШда бундай К-12 тизимида баллар билан SAT, GRE ва GMAT каби олий ўқув юртларига, аспирантурага кириш тестлари билан корреляциясини таҳлил қилишади ва бу корреляция яхшилигини таъкидлашади. Бу мактабда паст баҳога ўқиган ўқувчиларнинг баллари тест синовларида кўп баллар олиш имконияти паст ва аксинча эканлигини англатади.

Ўзбекистонда умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг билимлари “5-9-синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида низом” асосида баҳоланади. Низомга кўра, ўқувчиларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун жорий, оралиқ, босқичли ва якуний назорат турларини ўтказиш назарда тутилади. Жорий назорат — сўровлар, назорат ишлари ёки тестлар тарзида ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакалари мунтазам назорат қилинади. Оралиқ назорат — чорак тамом бўлганда ва ўқув дастурининг тегишли бўлими тугаллангандан кейин ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини баҳолаш учун амалга оширилади. У ёзма назорат иши ёки тестлар шаклида ўтказилиши белгиланган. Ушбу назоратда фойдаланиладиган материаллар ўқув фани ўқитувчиси томонидан тайёрланади. Оралиқ назоратда назорат ишларининг миқдори ва мавзулари ўқув дастурига асосланган мавзуй режада белгиланади ҳамда муддати ва шакли кўрсатилади. Босқичли назорат — ўқув йили тамом бўлгандан кейин оғзаки, ёзма имтиҳон ҳамда тест синовлари шаклида амалга оширилади. Унинг асосида рейтинг аниқланади ва ўқувчини навбатдаги синфга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Босқичли назорат материаллари намуналари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Республика таълим маркази томонидан тайёрланади. Назорат ишлари материаллари намуналарига ижодий ёндашган ҳолда ўқув фани ўқитувчилари босқичли назорат материалларига ўзгартиришлар киритиши ва уларни услубий бирлашмалар муҳокамасидан ўтказиб, жорий этишлари мумкин.

Якуний назорат — ўқиш тугаллангандан кейин давлат аттестацияси шаклида ўтказилади.

Ҳар бир назорат тури қандай шаклда ўтказилишидан қатъи назар, беш (5) баллик (“5”, “4”, “3”, “2”, “1”) баҳолаш усулида бутун сонлар ёрдамида баҳоланади.

Ҳафтасига 1 соатдан ортиқ ўқитиладиган ўқув фанлари бўйича чорак давомида жорий ва оралиқ назоратларда олинган баллар асосида чораклик баҳо, чораклик баҳолар ва босқичли назоратда олинган балл асосида йиллик баҳо аниқланади. Босқичли назорат ўтказилмайдиган ўқув фанлари бўйича йиллик баҳолар чораклик баҳоларга қараб белгиланади. Ҳафтасига 0,5 ва 1 соат ўқитиладиган ўқув фанлари бўйича ярим йил давомида жорий ва оралиқ назоратларда олинган баллар асосида ярим йиллик баҳо, ярим йиллик баҳолар ва босқичли назоратда олинган балл асосида йиллик баҳо аниқланади.

Босқичли назорат ўтказилмайдиган ўқув фанлари бўйича йиллик баҳолар ярим йиллик баҳоларга қараб белгиланади.

Ўқувчиларнинг ўқув йили давомида назорат турлари бўйича олган баллари ҳамда йиллик (якуний) баҳолари асосида ҳар бир ўқув фанидан йиллик рейтинг кўрсаткичи аниқланади:

Бунда ўқувчининг йиллик (якуний) баҳоси:

“5” бўлганда — 86, 90, 95 ва 100 рейтинг кўрсаткич балларидан бири;

“4” бўлганда — 71, 75, 80 ва 85 рейтинг кўрсаткич балларидан бири;

“3” бўлганда — 56, 60, 65 ва 70 рейтинг кўрсаткич балларидан бири қўйилади.

Йиллик рейтинг кўрсаткич баллари юқорида қайд этилган баллардан иборат бўлиб, уни белгилашда бошқа рақамлардан фойдаланилмайди, минимал 55 балл бундан мустасно.

Агар ўқитувчи ўқувчининг йиллик рейтинг кўрсаткич балини 56 баллдан камлигини эътироф этса, у ҳолда ўқувчининг йиллик рейтинг бали минимал 55 балл этиб белгилайди.

Ўқувчининг йиллик рейтинг кўрсаткич балларини аниқлаш усули ўқув фани хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи томонидан белгиланади.

Хулоса

Ушбу мақолада келтирилган баҳолаш тизими ўқувчи, ўқитувчи, синф ва мактаблар рейтингини яхшилашга ҳамда ўқувчилар олган билими баҳосини талқин қилинишини осонлаштирадиган, шунингдек, олий таълим муассасаларига кириш тестларида олинган баллари билан корреляцияни яхшилашга хизмат қилиши мумкин.

Ўқувчилар билимини баҳолашни таълим сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида қараш лозим.

Мактабларда ўқувчилар ўртасида ўқитувчиларнинг ҳурматини ошириш учун ўқитувчилар томонидан ўқувчига унинг мактабда ўзини қандай тутгани тўғрисида махфий тавсиянома бериш амалиётини жорий этиш лозим.

Фойдаланилган манбалар

1. "School Finance". Federal Education Budget Project. New America Foundation. Retrieved May 21, 2013.
2. "CAPE – Private School Facts".
3. "U.S. Department of Education: Homeschooling Continues to Grow!", Available at: <https://hslida.org/docs/news/2013/201309030.asp> [Accessed 15 Mar. 2018].
4. "State Compulsory School Attendance Laws". infoplease.com. Retrieved December 19, 2007.
5. Wikipedia: https://en.wikipedia.org/wiki/Education_in_the_United_States
6. Antonella Corsi-Bunker, “Guide to the Education System in the United States”, Isss.umn.edu. University of Minnesota, n.d. Web. 18 Oct. 2016.
7. <https://www.vertex42.com/ExcelTemplates/gradebook.html>

Educations System of the United States of America and Its Assessment Methods

Ermamatov M.J., Sulaymonov A.A. and Baratov A.A.

Abstract: In this paper information on the education system and educational assessment in K12 schools of the USA and on the rating system for the control of the education quality in the public schools of Uzbekistan is given.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚОБИЛИЯТНИ АНИҚЛАШ ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИНИ КЛАССИК ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ ТЕСТ НАЗАРИЯСИ АСОСИДА БАҲОЛАШ

© 2020 йил “Баратов А.А., “Эрмаматов М.Дж., “Мирвалиев З.З.,
“Сулаймонов А.А., “Алимов Д.М., “Олимбекова З.А.

^аЎзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест
маркази, 100084, Тошкент ш., Боғишамол к., 12.

^бТошкент шаҳри, Юнусобод тумани 70-сон умумий ўрта мактаб

Қисқача мазмуни: мақолада Давлат фуқаролик хизматига ходимларни танлаш учун ўтказиладиган тест синовларида қўлланиладиган Интеллектуал қобилиятни аниқлаш бўйича тест топшириқларини апробациядан ўтказиш натижаларининг классик ҳамда замонавий тест назарияси асосида таҳлили берилган.

Калит сўзлар: интеллектуал қобилият, апробация, тестнинг классик назарияси, замонавий тест назарияси.

Келиб чиқишига кўра арабча бўлган “мантиқ” (мантиқ грекчада - logos) атамаси “фикр”, “сўз”, “ақл”, “қонуният” каби маъноларга эга. Унинг кўп маънолилиги турли хил нарсаларни ифода қилишда ўз аксини топади. Хусусан, мантиқ сўзи, биринчидан, объектив олам қонуниятларини (масалан, “объектив мантиқ”, “нарсалар мантиғи” каби ибораларда), иккинчидан, тафаккурнинг мавжуд бўлиш шакллари ва тараққиётини, шу жумладан, фикрлар ўртасидаги алоқадорликни характерлайдиган қонун-қоидалар йиғиндисини (масалан, “субъектив мантиқ иборасида) ва учинчидан, тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фанни ифода этишда ишлатилади [1].

Ҳар бир фан каби мантиқ илми ҳам ўзининг шаклланиш ва ривожланиш тарихига эга. Мантиққа оид дастлабки анъаналар қадимги Шарқ мамлакатларида, хусусан, Ҳиндистон ва Хитойда вужудга келган. Уларнинг шаклланишига нотиклик санъати, математика илмининг ривожланиши ва шу қабилар катта таъсир кўрсатган. Шуни айтиш керакки, қадимги дунёда Аристотелгача бўлган даврда мантиқ фалсафа таркибида мавжуд бўлган ва мустақил фан сифатида шаклланмаган.

Қадимги Грецияда шаклланган мантиқ илми Ўрта асрларда янги мазмун билан бойитилди. Бу, айниқса, мантиқнинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, хусусан, Ўрта Осиёда ривожланишида яққол кўринади.

Америка Қўшма Штатлари (АҚШ), Канада ва Австралиянинг айрим олий таълим муассасаларида мантиқий (The Law Schools Admission Test (LSAT)) тестлар юридик олий таълим муассасалари қабулида қўлланилиб келинади. Шунингдек, АҚШда тиббиёт коллежлари қабулида MCAT (The Medical College Admission Test) тестлари қўлланилади. MCAT тести тўрт қисмдан иборат бўлиб, физика, биология, ёзма иш (эссе) билан бир қаторда мантиққа оид тестларни [2] ҳам ўз ичига олади.

Туркия Республикасида давлат фуқаролик хизматида номзодларни танлаб олишда ҳам мантиқий тестлардан [3] фойдаланилади.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасида ҳам мантиқий тестларни ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш амалиёти йўлга қўйилмоқда. Жумладан, 2018 йилдан бошлаб Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг бакалавриат таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш жараёнининг дастлабки имтиҳон босқичида абитуриентларнинг интеллектуал даражасини аниқлаш мақсадида мантиқий фикрлашга доир тестлардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Айни пайтда, интеллектуал қобилиятни аниқлашга оид тест топшириқларининг самарадорлигини инобатга олиб, давлат фуқаролик хизматида ишга кирувчилар захирасини шакллантиришда мантиқий тестлардан фойдаланиш режалаштирилмоқда.

Давлат тест маркази томонидан ишлаб чиқилган тест вариантлари давлат фуқаролик хизматида ишловчилар бирламчи даражада билиши лозим бўлган давлат тили, интеллектуал қобилият, мустақил Ўзбекистон тарихи, давлат ва ҳуқуқ асослари, Ўзбекистон табиий ва иқтисодий географияси, компьютер саводхонлиги каби соҳаларни ўз ичига олган.

Юқорида қайд этилган таркибда тест варианты апробациядан ўтказилди. Тест топшириқлари варианты 6 қисмдан иборат бўлиб, жами топшириқлар сони 90 та, уни бажариш ва жавоблар варақасига тўғри жавобни кўчиришга 90 дақиқа вақт ажратилган.

Мақолада фақат интеллектуал қобилиятни аниқлаш бўйича тузилган тест варианты тестология назарияси асосида математик-статистик таҳлили келтирилди. Интеллектуал қобилиятни аниқлаш бўйича тест варианты 20 та тест топшириғидан шакллантирилган. Апробация тест синовида жами 350 нафар синалувчи қатнашди.

Педагогик ўлчовлар назарий асосларига кўра ҳар бир тест топшириғи мазмун жиҳатидан мутахассис эксперт текширувидан сўнг, апробация тест синовлари ўтказилиши ва унинг натижалари асосида уларнинг сифатини таххис-статистик характеристикаларини аниқлаш белгиланган. Мазкур тест топшириқларига белгиланган асосий статистик кўрсаткичларига: тест топшириғи қийинлиги, тест балл вариацияси, бошқа топшириқ ва умумий балл йиғиндиси билан корреляциясини аниқлашдир. Шунингдек, педагогик

тестларнинг асосий статистик характеристикаларига ўрта қиймат, гистограммани қуриш, мода ва медианани ҳисоблаш ҳамда тест баллари умумий дисперсияси ҳам киради [4-9].

Мазкур мақолада ўтказилган тест синови натижалари статистик маълумотлари асосида аниқланган тест баллари тақсимоти гистограммаси қурилади ва унинг нормал тақсимотга яқинлиги баҳоланади. Гистограмманинг нормал тақсимотга яқинлиги тест сифатининг яхшилигига, тест синовларининг объектив ўтказилганлигига баҳо беради. Тест балларининг энг кўп такрорланадиган қиймати - мода, ўсиш тартибида жойлаштирилган тест баллари қаторининг ўртасида жойлашган қиймати - медиана, дистракторлар таҳлили, Бисериаль корреляция коэффиценти орқали валидликни баҳолаш каби кўрсаткичлари, Кронбах альфа коэффиценти ҳамда Раш модели билан аниқланган қийинлик даражалари бўйича статистик маълумотлар чуқур таҳлил қилинади.


Топшириқларнинг тест хусусиятларини таҳлил қилиш учун статистик тадқиқотлар учун мўлжалланган махсус дастурлардан фойдаланилди.

Тест топшириқларини апробациядан ўтказиш натижаларининг классик назария асосидаги таҳлили

Қуйида интеллектуал қобилиятни аниқлаш бўйича олинган статистик таҳлил маълумотлари келтирилмоқда. Унда тест синови балларининг ўрта қиймати, медианаси, модаси, стандарт оғиши, дисперсияси, вариация кенглиги, максимум, минимум қийматлари ва тест синови балларининг тақсимоти (гистограммада нормал тақсимот билан) келтирилган. Шунингдек, энг муҳим кўрсаткичлардан ишончлилиқ таҳлили (Кронбах альфа коэффиценти) ва дистракторлар (чалғитувчи жавоблар) бўйича ҳам таҳлил натижалари келтирилган.

Интеллектуал қобилиятни аниқлаш бўйича тест натижаларининг тавсиф статистикаси маълумотлари 1-жадвалда келтирилган.

Гистограммадан кўриниб турибдики, тест топшириқларининг индивидуал баллари тақсимоти нормал тақсимотдан кам фарқ қилади (мода – 13,0 ва ўрта қиймат -12,64 бир-бирига яқин). 60,3 фоиз тест топширувчилар 13 балл ва ундан паст балл йиққан (медианадан пастда), 39,7 фоиз тест топширувчилар 13 балдан юқори балл йиққан (медианадан юқорида). Кичик ҳажмдаги танловларда нормал тақсимот марказига ўрта қийматнинг яқинлиги қўлланилган тест вариантининг мақсадига кўра тўғри тузилганлигини билдиради.



Статистик ҳисобларга кўра интеллектуал қобилиятни аниқлаш бўйича тест вариантынинг ишончлилик коэффиценти (Кронбах альфа коэффиценти) 0,515 га тенг бўлди.

Кронбах альфа коэффицентининг 0,7 дан кичиклиги ушбу тест вариантынинг ишончлиги паст эканлигини кўрсатади. Кронбах альфа коэффицентининг 0,7 дан кичиклиги танланган вариантдаги тест саволлари сонининг нисбатан камлиги билан боғлиқдир. Таъкидлаш жоизки, танланган вариантдаги 1, 4, 5, 6, 8, 10-13, 15, 16 ва 20-тест топшириқларининг ҳар бири бўйича ишончлилик коэффиценти қийматлари 0,25 дан кичиклиги ушбу тест топшириқлари ишончлиги паст эканлигини кўрсатади ва улар ўз навбатида тест вариантынинг ишончлилик коэффицентига таъсир қилади.

Ишончлилик коэффиценти 0,25 дан паст бўлган тест топшириқлари вариантдан чиқарилганда вариантнинг ишончлилик коэффиценти ортадиган бўлса (яъни, Кронбах альфа коэффиценти 0,515 дан катта бўладиган бўлса), бундай тест саволларини вариантдан чиқариш ёки қайта ишлаш тавсия этилади. Бизнинг ҳолатда, 1-, 11-, 15- ва 16-топшириқлар юқорида қайд этилган топшириқлар қаторига киради. Бу тест топшириқлари алоҳида чиқариб ташланганда Кронбах альфа коэффиценти 0,515 дан мос равишда, 0,529, 0,527, 0,526 ва 0,516 гача ортади. Бу тест топшириқларининг ҳаммаси биргаликда чиқарилганда Кронбах альфаси 0,515 дан 0,566 гача ошади. Такрорий ҳисобда 12-саволни чиқариш ҳам ишончлиликни 0,568 гача оширишини кўриш мумкин. Демак, 1-, 11-, 12-, 15- ва 16-тест топшириқларини қайта ишлаш ёки вариантдан чиқариш вариантнинг ишончлигини 0,568 гача ошириши мумкин.

Бисериаль корреляция коэффицентини ҳисоблаш орқали валидлик баҳоланади. Ҳар бир топшириққа берилган жавобларнинг умумий тест бали билан корреляцияси (1, 2, 3, ... 20- тест топшириқлари ва умумий балл орасидаги корреляция) бисериаль корреляция коэффицентига тенг бўлади.

Умуман олганда, бисериаль корреляция коэффициенти 0,5 ва ундан катта бўлган топшириқ валид ҳисобланади. Бисериаль корреляция коэффициенти манфий бўлган топшириқлар эса вариантдан чиқарилади. Акс ҳолда билмайдиганлар ғолиб бўлиб, биладиганлар тестни ечишда нотўғри жавобни танлайдилар ёки уларни ўтказиб юбордилар.

Интеллектуал қобилиятни аниқлаш бўйича тест топшириқларининг барчасининг бисериаль корреляция коэффициенти қиймати 0,5 дан кичик. Бисериаль корреляция коэффициенти жуда паст бўлган (0,25 гача) топшириқлар айнан 1-, 5-, 11-, 13- ва 15-рақамли тест топшириқларга тўғри келиб, уларда бу кўрсаткич 0,211; 0,231; 0,064; 0,137 ва 0,208 дир.

Шунингдек, вариантдаги тест топшириқларининг муқобил жавобларига синалувчиларнинг жавоби таҳлил қилинди. Муқобил жавобларга 5 фоиздан кам синалувчи жавоб берган бўлса, бундай муқобил жавоблар дистракторлик вазифасини бажармаганлиги учун уларни тест топшириғидан чиқариш ёки ўзгартириш тавсия қилинди.

Тест топшириқларининг қийинлик даражасини аниқлаш

Тест топшириқлари базасига топшириқлар учун назарий - эталон шкала бўйича қийинлик даражаси Вазн (назария) аниқланди ва мутахассис-экспертлар томонидан дастлаб белгиланган қийинлик даражаси (1-осон, 2-ўртача қийинликда, 3-қийин) Вазн билан ўзаро таққослама жадваллари ишлаб чиқилди.

2-жадвал

ИД	Тўғри жавоб фоиз	Мутахассислар томонидан белгиланган вазн	Назария бўйича аниқланган вазн
1	49,5	2	2
2	77,9	1	2
3	38,7	2	1
4	42,3	2	1
5	79,2	1	2
6	69,5	2	1
7	76,1	1	3
8	91,2	1	2
9	62,8	2	3
10	90,6	1	1
11	8,8	3	3
12	49,5	2	2
13	95,2	1	1
14	42,3	2	3
15	66,8	2	2
16	41,1	2	1

17	76,1	1	1
18	40,8	2	2
19	83,7	1	1
20	83,1	1	1

I.2-жадвалдаги маълумотлар (тўғри жавоб берганлар фоизи) таҳлили ушбу вариантда эксперт томонидан белгиланган 1-қийинликдаги 3 та (2-, 5-, 8-) топшириқ эталон шкалага асосан 2-қийинликдаги, 1 та (7-) топшириқ эталон шкалага асосан 3-қийинликдаги топшириқлар эканлигини, 2-қийинликдаги 4 та (3-, 4-, 6-, 16-) топшириқ 1-қийинликдаги топшириқлар эканлигини кўрсатди.

Тест топшириқлари апробация натижаларининг замонавий тест назарияси асосидаги таҳлили

Ўқувчига мақолани ўқиганда тушунарли бўлиши учун, аввало биз сўз юритмоқчи бўлган назариянинг номланишига қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Инглиз тилида бу назария “item response theory” (IRT) деб номланади. Бу “элементларга (пунктларга) жавоб назарияси” ёки “элементларга (пунктларга) реакция” деган маънони англатади. Умуман бу назарияни “саволларга жавоб назарияси” деб атаса ҳам бўлар эди, лекин бундай номланиш IRTнинг қўлланилиши доирасини пасайтириб кўрсатган бўларди, чунки IRT фақат саволларга жавобнигина баҳоламасдан, балки турли хилдаги сўровномаларни баҳолашда ҳам ишлатилади. Шунинг учун ҳам бу назарияда “тест топшириғи” ўрнида “элемент (пункт) (item)” сўзини ишлатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланган. Мақолада “тест топшириғи” тушунчаси ва “элемент тушунчаси” бир хил маънода ишлатилади.

IRT бу математик модель. Яширин характеристикалар (билим, стресс, муносабат) уни номоён қилувчилари (кузатилган натижа, жавоблар) билан боғлиқлигини ифодалайди. У инструментдаги саволларнинг, бу саволларга жавоб бераётган шахсларнинг ва унинг асосида яширин характеристикалар хусусиятлари орасидаги боғлиқликни ўрнатади. IRT яширин характеристика ва ўлчов саволларини кузатиб бўлмайдиган континуумда тартиблашган деб ҳисоблайди. Шунинг учун унинг асосий вазифаси шахснинг ўша континуумдаги жойини аниқлашдир.

Ҳозирги вақтда IRT модели кўп мамлакатларда, жумладан Америка Қўшма Штатларида GRE, GMAT каби юқори даражали тестлар натижасини таҳлил қилишда ҳамда бу модел билан аниқланган тест топшириқларининг характеристикалар хусусияти бўйича тест топшириқлари базасига жойлаштиришда фойдаланилади [10].

IRT параметрлари тажриба (эксперимент) ва моделларни мослаштириш орқали топилади. Буни амалга ошириш учун турли хил усуллар ишлаб чиқилган, [11-16] ҳаволада шу усулларнинг баъзилари билан танишиш мумкин.

IRT моделларида модель параметрларини аниқлаш муҳим роль ўйнайди. Бу Раш моделида яширин қобилият ва элементлар қийинлиги параметрларидир. Бу иккита катталиқдан биринчиси ўзгарувчи сифатида қаралиб, иккинчиси эса параметр сифатида қаралиши мумкин. Тест натижаларини таҳлил қилишда элементлар қийинлигини параметр сифатида қараш қулай, чунки қобилият (билим) бу моделда элементларга берилган жавобларга қараб белгиланади.

Раш моделига кўра, дихотомик элементларга индивидуал жавоблар шахсинг қобилият даражаси ва элемент қийинлиги билан аниқланади. Маълум бир қобилиятга эга бўлган шахсинг маълум бир қийинликдаги элементга тўғри жавоб бериш эҳтимоллигини аниқлайди. Буни математик формула кўринишида қуйидагича ифодалаш мумкин [17]:

$$P(X_{is} = 1 | \theta_s, b_i) = \frac{e^{\theta_s - b_i}}{1 + e^{\theta_s - b_i}}$$

бу ерда, $X_{is} = 1$ s-ўқувчининг i элементга тўғри жавоб бериш эҳтимоллиги, θ_s -қобилият ўзгарувчиси, b_i –топширик қийинлик даражаси, e -натурал логарифм асоси ($e=2,7182818 \dots$).

Юқорида таъкидлаганимиздек, IRT параметрлари тажриба ва моделларни мослаштириш орқали топилади. Бу ишда тажриба бу апробация тести натижаларидир. Махсус дастур асосида буни амалга ошириш учун турли хил пакетлар ишлаб чиқилган. Қийинлик даражаси b ни аниқлашда биз Irm [11] пакетидан фойдаланамиз, чунки Раш модели учун бу пакет ёрдамида тажрибанинг (тест натижаларининг) моделга қанчалик мослигини ҳисоблаш мумкин.

Интеллектуал қобилиятни аниқлаш бўйича апробация натижаларининг бир параметрли Раш модели асосида таҳлили

3-жадвалда Интеллектуал қобилиятни аниқлаш бўйича Раш модели билан аниқланган қийинлик даражалари келтирилган:

3-жадвал


Раш модели билан аниқланган қийинлик даражалари

Раш модели			
Тартиб рақами бўйича		Қийинлик даражаси бўйича	
Тест топшириқлари тартиб рақами	Қийинлик даражаси (b)	Тест топшириқлари тартиб рақами	Қийинлик даражаси (b)
1	-0,003	13	-3,180
2	-1,407	8	-2,572
3	0,540	10	-2,333
4	0,311	19	-1,786
5	-1,462	20	-1,557

6	-0,841	5	-1,462
7	-1,335	2	-1,407
8	-2,572	7	-1,335
9	-0,572	17	-1,198
10	-2,333	6	-0,841
11	2,577	15	-0,841
12	-0,106	9	-0,572
13	-3,180	12	-0,106
14	0,219	1	-0,003
15	-0,841	14	0,219
16	0,405	4	0,311
17	-1,198	18	0,351
18	0,351	16	0,405
19	-1,786	3	0,540
20	-1,557	11	2,577


Қийинлик даражаси -1 дан 1 гача бўлса, ўртача қийинлик, 1 дан 3 гача бўлса, ўртача қийинликдан юқори, -1 дан -3 гача бўлса ўртача қийинликдан паст ҳисобланади. Кўриниб турибдики, 6-, 15-, 9-, 12-, 1-, 14-, 4-, 18-, 16- ва 3-тест топшириқларининг қийинлиги ўртача қийинлик атрофида, 13-, 8-, 10-, 19-, 20-, 5-, 2-, 7- ва 17-рақамли тест топшириғининг қийинлик даражаси ўртача қийинликдан паст. Ушбу вариантда фақатгина 11-тест топшириғининг қийинлик даражаси юқори. Вариантни қийинлиги ўртачадан юқори бўлган тест топшириқлари билан тўлдириш керак.

II.1-жадвалдан Раш модели бўйича 11-тест топшириғи энг қийин, 13-тест топшириғи энг осон эканлигини кўриш мумкин. Бу 1-расмдаги элемент характеристикаси чизиқларининг (ЭХЧ) ўзаро жойлашуvidан ҳам яққол кўринади (11-тест топшириғи пастдан биринчи узук-узук чизик, 13-тест топшириғи юқоридан биринчи узлуксиз чизик). Биринчи расмдан шу нарса кўриниб турибдики, ҳар хил қобилиятли тест топширувчиларнинг қобилиятини баҳолаш учун албатта ҳар хил қийинликдаги тест топшириқлари бўлиши керак.




1-расм. Элемент характеристикаси чизиқлари

2-расмда тасвирланган ҳар бир элементнинг (тест топшириғининг) маълумот чизиқлари (ЭМЧ)ни таҳлил қилиб бу тўғрисида кўпроқ маълумот олиш мумкин. ЭМЧ кенглиги ҳар бир элемент ҳар хил қобилиятли тест топширувчилар ҳақида қанчалик кўп маълумот бериши мумкинлигини кўрсатади. ЭХЧ баландлиги эса маълумот миқдорини билдиради. Раш моделида элементнинг турли қобилиятларни ажратиш хусусияти (дискриминативлиги) бир хил деб қаралади. Демак, барча тест топшириқларининг турли қобилиятларни ажратиш хусусияти бир хил деб қаралганда, тест топшириқлари тест топширувчилар ҳақида берадиган маълумот миқдори бир хил, лекин улар турли хил қобилият оралиғидаги маълумотлардир. Масалан, 11-тест топшириғи қобилиятли тест топширувчилар ҳақида кўп маълумот беради, 13-тест топшириғи эса кўпроқ қобилияти пастроқ тест топширувчилар ҳақида маълумот беради: умумий маълумот миқдорини 1 деб олсак (100 фоиз) 11-тест топшириғидан (0:3) қобилият оралиғидагилар учун берадиган маълумот миқдори 0,53 (53 фоиз), 13-тест топшириғининг маълумот миқдори эса бу ораликда 0,04 (4 фоиз) га тенг. Аксинча, (-3:0) ораликда эса, 13-тест топшириғи берадиган маълумот миқдори 0,42 (42 фоиз), 11-тест топшириғиники эса 0,07 (7 фоиз) га тенг.




2-расм. Элемент маълумоти чизиқлари

3-расмда тест характеристикаси чизиғи (ТХЧ) келтирилган. Бу ҳар бир элемент учун ЭХЧларнинг йиғиндисидир. Расмдан кўринадики, қобилияти энг паст тест топширувчиларнинг тестда юқори балл олиш эҳтимоли кичик, қобилиятли тест топширувчиларники эса юқори.



3-расм. Тест характеристикаси чизиғи

Худди шунингдек, тест маълумоти чизиғи (ТМЧ) 4-расмда келтирилган. Тестнинг умумий маълумот миқдори 20 га тенг шундан (-3:3) оралиғидаги қобилиятга эга бўлганлар учун маълумот миқдори 16,12 (80,63 фоиз) га тенг. Чизиқ чўққисининг нолга нисбатан чапга бироз сурилганлиги қобилияти пастроқ синалувчилар тўғрисида кўпроқ маълумот беришини англатади.



4-расм. Тест маълумоти чизиғи

Апробация натижалари икки хил назария - классик ва замонавий тест назарияси билан таҳлил қилинди. Натижада классик назария бўйича интеллектуал тест қобилиятини аниқлаш бўйича ишончлилик коэффициенти -

Кронбах альфа коэффициентлари ҳисобланди. Тадқиқот натижасида тестнинг ишончлилигини ошириш учун тавсиялар берилди. Шунингдек, замонавий тест назарияси бўйича қийинлик даражаси баҳоланганда ўртача қийинликдаги тест топшириқларидан қийин бўлган тест топшириқлари сони камлиги аниқланди.

Адабиётлар

1. М. Шарипов, Д. Файзихужаева. Мантиқ. Ўқув қўлланма, Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент, 2004 йил, 215 б.
2. <https://www.hotcourses.ru/study-abroad-info/essentials/other-tests/>
3. <https://www.quizcv.com/tr/content/c9/genel-yetenek-testi-nedir-sinav-turleri-ik-ise-alim-terfi>
4. Spearman, C. (1904a). "General intelligence," objectively determined and measured. *American Journal of Psychology*, 15, 201-293.
5. Spearman, C. (1904b). The proof and measurement of association between two things. *American Journal of Psychology*, 15, 72-101.
6. Spearman, C. 1907. Demonstration of formulae for true measurement of correlation. *Am. J. of Psychology*. 18, 160-169.
7. Spearman, C. 1910. Correlation from faulty data, *British J. of Psychology*. 3, 271-295.
8. Аванесов В.С. Теория и методика педагогических измерений. ЦТ и МКО УГТУ-УПУ, 2005
9. Чельшкова М.Б. Теория и практика конструирования педагогических тестов: учеб. Пособие М.: Логос, 2002, с. 432.
10. <https://en.wikipedia.org/wiki/IRT>
11. Bock, R. D., & Aitkin, M. (1981). Marginal maximum likelihood estimation of item parameters: Application of an EM algorithm. *Psychometrika*, 46(4), 443–459. <https://doi.org/10.1007/BF02293801>
12. Gibbons, R.D. & Hedeker, D.R. *Psychometrika* (1992) 57: 423. <https://doi.org/10.1007/BF02295430>
13. Li Cai, *Journal of Educational and Behavioral Statistics* Vol. 35, No. 3 (June 2010), pp. 307-335.
14. Baker, Frank (2001). *The Basics of Item Response Theory*. ERIC Clearinghouse on Assessment and Evaluation, University of Maryland, College Park, MD. (Ушбу <http://echo.edres.org:8080/irt/baker/> ҳаволада мақола ва IRT ўрганишга доир машқлар ҳам бор)
15. Ronald K. Hambleton, H. Swaminathan, and H. Jane Rogers Newbury Park CA, *Fundamentals of Item Response Theory*, 1991
16. Ivailo Parchev, *A visual guide to item response theory*, 2004
17. Dimitris Rizopoulos, *Journal of Statistical Software*, November 2006, Volume 17, Issue 5, <http://www.jstatsoft.org/>

Assessment of test questions of intellectual ability within classical and item response theories

A.A. Baratov, M.J. Ermamatov, Z.Z. Mirvaliev, A.A. Sulaymonov, D.M. Alimov and Z.A. Olimbekova

State Test Center Under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan,
Uzbekistan, Tashkent 100084

Abstract: In this paper classical and item response theory analysis of the approbation of test questions on intellectual ability for selecting State Civil Service employees is given.

Oliy ta'lim muassasalari kesimida abituriyentlarning to'g'ri topilgan topshiriqlar ulushi bo'yicha taqsimlanishi

(davomi, boshi o'tgan sonlarda)

J.Iskandarov, N.Nurmuhammedova
O'zR VM huzuridagi Davlat test markazi, 100214,
Toshkent sh., Bog'ishamol k., 12.

Ta'lim tili: o'zbek tili

Ta'lim shakli: kunduzgi

Fan bloki: 3

Ta'lim yo'nalishi	0-20	20-40	40-60	60-80	80-100
Termiz davlat universiteti	15,07	61,15	11,99	4,45	3,91
5110700-Informatika o`qitish metodikasi	19,46	75,60	4,63	0,32	0,00
5110900-Pedagogika va psixologiya	12,18	66,35	15,79	3,39	2,29
5111400-Xorijiy til va adabiyoti: ingliz tili	4,84	23,21	21,47	18,38	28,05
5111401-Xorijiy til va adabiyoti: nemis tili	11,23	59,89	19,25	8,02	0,53
5111500-Chaqiriqqacha harbiy ta'lim	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00
5111600-Milliy g`oya, ma'naviyat asoslari va huquq ta'limi	15,70	70,40	12,11	1,79	0,00
5111700-Boshlang`ich ta'lim va sport-tarbiyaviy ish	17,41	71,56	8,18	1,58	1,06
5111800-Maktabgacha ta'lim	13,85	67,12	14,57	3,21	1,25
5112100-Texnologik ta'lim	20,26	74,16	5,42	0,16	0,00
5120101-Filologiya va tillarni o`qitish: o`zbek tili	15,92	69,05	12,84	1,98	0,22
5120112-Filologiya va tillarni o`qitish: ingliz tili	0,85	12,82	21,37	20,51	34,19
5120201-Tarjima nazariyasi va amaliyoti: ingliz tili	1,27	13,92	12,66	21,52	48,10
5120300-Tarix (mamlakatlar va mintaqalar bo'yicha)	15,05	73,12	10,65	0,97	0,22
5120400-Arxeologiya	16,94	73,39	8,06	1,61	0,00
5130100-Matematika	14,72	70,02	12,75	1,97	0,54
5130200-Amaliy matematika va informatika	15,07	62,73	16,70	4,07	1,43

Ta'lim yo'nalishi	0-20	20-40	40-60	60-80	80-100
5140100-Biologiya (turlari bo'yicha)	20,36	73,21	6,27	0,16	0,00
5140200-Fizika	12,50	69,60	15,34	2,27	0,28
5140500-Kimyoy	18,91	70,84	9,34	0,91	0,00
5140600-Geografiya	8,61	62,46	18,55	5,79	4,60
5141000-Tuproqshunoslik	22,61	74,71	2,68	0,00	0,00
5151700-Madaniyat va san'at muassasalarini tashkil etish hamda boshqarish	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00
5210203-Psixologiya: amaliy psixologiya	18,92	71,62	7,66	1,80	0,00
5230100-Iqtisodiyot (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)	16,43	64,52	11,19	4,76	0,24
5230600-Moliya	15,48	65,27	10,04	3,97	3,35
5230900-Buxgalteriya hisobi va audit (tarmoqlar bo'yicha)	15,61	59,02	12,20	6,83	5,85
5231700-Kadrlar menejmenti	10,31	51,03	17,01	9,28	8,76
5320908-Yengil sanoat buyumlari konstruksiyasini ishlash va texnologiyasi (milliy tikuv buyumlari)	19,71	75,91	4,38	0,00	0,00
5340200-Bino va inshootlar qurilishi (turlari bo'yicha)	19,91	73,40	6,09	0,45	0,15
5340500-Qurilish materiallari, buyumlari va konstruksiyalarini ishlab chiqarish	18,20	76,85	4,94	0,00	0,00
5610200-Mehmonxona xo'jaligini tashkil etish va boshqarish	14,39	56,82	16,67	7,58	4,55
5610300-Turizm (faoliyat yo'nalishlari bo'yicha)	12,45	45,78	15,26	12,05	9,24
521020307-Psixologiya: amaliy psixologiya (Surxondaryo)	17,59	68,84	12,56	1,01	0,00
5110700170-Informatika o'qitish metodikasi (Boysun tumani)	17,65	82,35	0,00	0,00	0,00
5110700171-Informatika o'qitish metodikasi (Denov tumani)	22,73	63,64	13,64	0,00	0,00
5110700176-Informatika o'qitish metodikasi (Qumqo'rg'on tumani)	18,92	72,97	5,41	2,70	0,00
5110700177-Informatika o'qitish metodikasi (Sariosiyo tumani)	0,00	100,00	0,00	0,00	0,00
5110700178-Informatika o'qitish metodikasi (Sherobod tumani)	13,64	84,09	2,27	0,00	0,00
5110700179-Informatika o'qitish metodikasi (Sho'rchi tumani)	30,30	63,64	6,06	0,00	0,00
5110700181-Informatika o'qitish metodikasi (Uzun tumani)	25,00	75,00	0,00	0,00	0,00
5111400170-Xorijiy til va adabiyoti: ingliz tili (Boysun tumani)	4,55	31,82	22,73	31,82	9,09
5111400171-Xorijiy til va adabiyoti: ingliz tili (Denov tumani)	4,35	30,43	32,61	17,39	15,22

Ta'lim yo'nalishi	0-20	20-40	40-60	60-80	80-100
5111400174-Xorijiy til va adabiyoti: ingliz tili (Oltinsoy tumani)	5,71	25,71	31,43	20,00	17,14
5111400176-Xorijiy til va adabiyoti: ingliz tili (Qumqo`rg`on tumani)	2,44	20,73	24,39	24,39	28,05
5111400177-Xorijiy til va adabiyoti: ingliz tili (Sariosiyo tumani)	0,00	13,79	34,48	20,69	24,14
5111400178-Xorijiy til va adabiyoti: ingliz tili (Sherobod tumani)	0,00	33,80	18,31	12,68	28,17
5111400179-Xorijiy til va adabiyoti: ingliz tili (Sho`rchi tumani)	7,50	30,00	27,50	22,50	12,50
5111400181-Xorijiy til va adabiyoti: ingliz tili (Uzun tumani)	0,00	46,88	18,75	12,50	21,88
5111600171-Milliy g`oya, ma'naviyat asoslari va huquq ta'limi (Denov tumani)	20,00	60,00	20,00	0,00	0,00
5111600176-Milliy g`oya, ma'naviyat asoslari va huquq ta'limi (Qumqo`rg`on tumani)	23,08	69,23	7,69	0,00	0,00
5111600178-Milliy g`oya, ma'naviyat asoslari va huquq ta'limi (Sherobod tumani)	23,08	76,92	0,00	0,00	0,00
5111700171-Boshlang`ich ta'lim va sport-tarbiyaviy ish (Denov tumani)	24,24	66,67	9,09	0,00	0,00
5111700174-Boshlang`ich ta'lim va sport-tarbiyaviy ish (Oltinsoy tumani)	22,22	55,56	16,67	5,56	0,00
5111700176-Boshlang`ich ta'lim va sport-tarbiyaviy ish (Qumqo`rg`on tumani)	22,73	68,18	0,00	4,55	4,55
5111700177-Boshlang`ich ta'lim va sport-tarbiyaviy ish (Sariosiyo tumani)	13,64	72,73	13,64	0,00	0,00
5111700178-Boshlang`ich ta'lim va sport-tarbiyaviy ish (Sherobod tumani)	15,38	76,92	7,69	0,00	0,00
5111700179-Boshlang`ich ta'lim va sport-tarbiyaviy ish (Sho`rchi tumani)	18,52	70,37	7,41	0,00	3,70
5111700181-Boshlang`ich ta'lim va sport-tarbiyaviy ish (Uzun tumani)	22,73	50,00	22,73	4,55	0,00
5120101171-Filologiya va tillarni o`qitish: o`zbek tili (Denov tumani)	23,08	57,69	19,23	0,00	0,00
5120101174-Filologiya va tillarni o`qitish: o`zbek tili (Oltinsoy tumani)	8,00	80,00	8,00	4,00	0,00
5120101176-Filologiya va tillarni o`qitish: o`zbek tili (Qumqo`rg`on tumani)	17,78	68,89	8,89	4,44	0,00
5120101177-Filologiya va tillarni o`qitish: o`zbek tili (Sariosiyo tumani)	23,81	42,86	28,57	4,76	0,00
5120101178-Filologiya va tillarni o`qitish: o`zbek tili (Sherobod tumani)	8,51	85,11	4,26	0,00	2,13
5120101181-Filologiya va tillarni o`qitish: o`zbek tili (Uzun tumani)	20,83	45,83	20,83	8,33	4,17
5120300170-Tarix (mamlakatlar va mintaqalar bo`yicha) (Boysun tumani)	25,00	55,00	20,00	0,00	0,00
5120300171-Tarix (mamlakatlar va mintaqalar bo`yicha) (Denov tumani)	8,00	88,00	4,00	0,00	0,00
5120300174-Tarix (mamlakatlar va mintaqalar bo`yicha) (Oltinsoy tumani)	28,57	60,71	10,71	0,00	0,00
